БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 2 (749)

3 ЯНВАРЬ ПАЙШАНБА 1957 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

БУГУНГИ СОНДА:

Н. А. Булганиннинг Польша радиоси бош редакторининг саволларига жавоблари (1-бет).

Кремлда янги йилнинг кутиб олиниши (1-бет).

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советидан (1-бет).

Кўклам экиш кампаниясига намунали тайёргарлик кўрайлик. Сирдарё районидаги 1-МТС коллективининг социалистик мажбурияти (1-бет).

С. Азизов. — Пойтахтимиз янада обод ва кўркам бўлади (2-бет).

ПАРТИЯ ТЕМАСИДА: **С. Саъдуллаев.**—Колхоз бошланғич партия ташкилотларига амалий ёрдамни янада кучайтирамиз (2-бет).

РЕДАКЦИЯГА ХАТЛАР: **Н. Саидов.** — Кинотеатрдаги тартибсизликлар тугатилсин (2-бет).

А. Бекузин. — Узбекистоннинг кекса музейи (3-бет).

САТИРА ВА ЮМОР: **Толиб Йўлдош.** — Эгри қўл ва тўғри тарози (3-бет).

Совет Иттифоқи Маршали Г. К. Жуковнинг Ҳиндистонга таклиф этилганлиги тўғрисида (4- бет).

Халқларнинг кучи енгилмасдир. Н. С. Хрушчевнинг «Руде Право» газетаси редакцияси саволларига берган жавоблари тўғрисида ГДР матбуотининг ёзганлари (4-бет).

Иштван Добининг янги йил муносабати билан сўзлаган нутқи (4-бет).

Олтинчи беш йилликнинг муваффақиятлари йўлида мусобақа байроғини баланд кўтарайлик!

Бир минг тўққиз юз эллик олтинчи йил тамом бўлди. Янги, бир минг тўққиз юз эллик еттинчи йил бошланди. Ана шу икки йил ўртасидаги даврда совет халқи томонидан бажарилган ишларнинг улуғворлиги ва совет халқининг келгусида ҳал этиши лозим бўлган вазифаларнинг гоят катта эканлиги бутун дунёга намоён бўлди.

Ўтган йили халқимизнинг ҳаётида, унинг тинч, қаҳрамонона меҳнатида катта муваффақиятларга эришилди. Ленинча сиёсатни изчиллик билан амалга ошириш ва КПСС XX съездининг қарорларини ишлаб чиқариш натижасида 1956 йилда социалистик саноатни ва биринчи галда, оғир индустрияни ривожлантиришда янгидан катта муваффақиятларга эришилди. Совет мамлакати янада кучлироқ бўлиб қолди, унинг иқтисодий ва мудофаа қудрати ўсди, халқнинг моддий фаровонлиги ошди. Оғир индустрияни устуқ даражада ривожлантириш асосида халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари, шу жумладан қишлоқ хўжалиги ҳам муваффақиятли суратда юксалди. Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш анча кўпайди. Совет кишиларининг моддий фаровонлиги ва маданий савиясини янада юксалтириш мақсадида катта тадбирлар амалга оширилди.

Мамлакатимизнинг халқлари 1957 йилга КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорлари билан қуролланган ҳолда, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX съезди чизиб берган буюк ишлар программасини муваффақиятли суратда амалга оширишга астойдил интилган ҳолда қадам босдилар. Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, интеллигенция бошланган янги йилни Ватан бахт-саодати йўлида, коммунизм ғалабаси йўлида янгидан-янги шонли ишлар билан нишонлашга қатъий қарор берганликларини изҳор қилмоқдалар.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ К. Е. Ворошиловнинг янги йил муносабати билан сўзлаган нутқи, Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг чет эллардаги Ўртоқларимизнинг саволларига берган жавоблари, Ўртоқ Н. А. Булганиннинг Италияда чиқадиган хотин-қизлар журнали «Нои донне» редакциясига юборган телеграммаси барча совет кишиларининг қалбида самимий миннатдорчилик туйғуларини вужудга келтирди.

Мамлакатимизнинг ҳамма қисмида янги йил арчаларининг чироқлари нур сочиб турибди. Клубларда, маданият саройларида, совет кишилари оилаларининг байрам дастурхонлари ёнида янги йил шодиёна тантана билан кутиб олинди. Москва мактабларининг ўқувчилари Кремлда янги йил арчаси байрамида қатнашдилар. Биринчи январда Кремлда ёшларнинг традицион бали ўтказилди. Мамлакатнинг кўпгина шаҳар ва қишлоқларида халқ сайиллари, байрам кечалари, карнаваллар, спорт мусобақалари ўтказилди.

Совет кишилари янги 1957 йилни кутиб олиб, ўз олдиларида турган вазифаларни яхши тушунганлари ҳолда ўзларининг буюк яратувчилик ишларини давом эттирмоқдалар. Бошланган йил—олтинчи беш йилликнинг иккинчи йилидир. Олтинчи беш йиллик планининг бажарилиши натижасида СССРнинг иқтисодий қудрати ва унинг енгилмас мудофаа қобилияти янада мустаҳкамланади, халқ фаровонлиги анча ўсади, совет маданияти юксалади. Бизда олтинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли суратда амалга ошириш учун керакли барча имкониятлар бор. Совет мамлакати эндиликда ҳар томонлама ривожланган қудратли социалистик саноатга, ҳар қачонгидан кўра кўпроқ моддий ресурсларга, шунингдек малакали кадрларга эгадир.

Коммунистик партия ҳозирги вақтда социалистик тузумнинг, социалистик хўжалиқ системасининг буюк жаҳоншумул тарихий устунликларидан халқ манфаатлари йўлида, коммунизм қуриш манфаатлари йўлида янада яхшироқ ва янада тўлароқ фойдаланиш зарур деб ҳисоблайди. КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорлари худди шу нарсани кўзда тутади. Пленум халқ хўжалигини янада зўр бериб юксалтиришни уюштириш соҳасидаги конкрет тадбирларни белгилади, хўжалик қурилишига раҳбарлик қилишдаги камчиликларни йўқотиш йўлларини кўрсатиб берди. Пленумнинг қарорларига мувофиқ, СССР халқ хўжалигини ривожлантириш олтинчи беш йиллик плани 1957 йилнинг биринчи ярмида СССР Олий Советининг муҳокамаси ва тасдиқига топширилади. Бу планни тузиб бўлиш соҳасидаги ишларда КПСС XX съезди томонидан олтинчи беш йилликда белгиланган асосий вазифалар кўзда тутилади.

КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорлари мамлакатимиз халқларининг ҳаётий манфаатларини ифода этади. Мамлакатимизнинг халқлари Пленум қарорларини қизғин маъқулламоқдалар. Совет кишилари ана шу қарорларга жавобан ишлаб чиқариш планларини тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани янада кенг ривожлантирмоқдалар.

Янги, 1957 йилнинг биринчи куниёқ совет кишиларининг ўз меҳнатлари билан Ватанимизнинг шон-шуҳрати ва улуғворлигини оширишга, Ватанимизнинг қудратини мустаҳкамлашга қатъий қарор берганликларини исбот этади. Москвадаги «Серп и молот» заводида шу куни жадал усуллар билан пўлат қуйилди. Донбассдаги Сталино металлургия заводининг домначилари кеча биринчи сменада пландан ташқари 50 тонна чўян бердилар. Боку нефтчилари гоят унумли ишладилар.

Мамлакатимиз халқларининг манфаатлари, коммунизм қуриш манфаатлари янги йилнинг биринчи кунларидаёқ ҳамма ерда, социалистик экономика ва маданиятнинг ҳамма соҳаларида ишда зарур ритм вужудга келтиришни ва зўр ғайрат билан меҳнат қилишни талаб этади. Вазифа — ишлаб чиқариш ва қурилиш планларининг сўзсиз бажарилишини таъминлашдан, ишлаб турган қувватлардан яхшироқ фойдаланишдан, корхона, қурилиш, колхоз, МТС ва совхозлардаги ички резерваларни бутун чоралар билан сафарбар қилишдан иборат. Техникани тараққий эттириш, янги техникани тез жорий қилиш, меҳнатни яхши ташкил қилиш ва ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш асосида меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулотнинг таннархини камайтириш ва сифатини яхшилашга эришмоқ керак.

Маълумки, хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида катта муваффақиятлар билан бир қаторда жиддий камчиликлар ҳам бор. Масалан, кўмир қазиб чиқариш, металл, цемент ишлаб чиқариш ва ёғоч тайёрлаш 1955 йилдагига нисбатан ортган бўлса ҳам, 1956 йилда ана шу маҳсулотларни ишлаб чиқариш плани бажарилмай қолди. Кўпгина корхоналар ўзларидаги катта имкониятлардан ҳали қониқарсиз фойдаланмоқдалар. Уй-жой қурилиши планлари тўлиқ бажарилмаётир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш имконини берадиган барча резервлар ишга солинган эмас. Маъмурий-бошқарма аппаратининг ишларида, аҳолининг ўсиб бораётган моддий ва маданий эҳтиёжларини қондириш соҳасида камчиликлар бор.

Хўжалик раҳбарлари, партия, совет, касаба союз ташкилотлари ишдаги камчиликларни қатъий суратда йўқотишлари, шу мақсадда танқид ва ўз-ўзини танқидни бутун чоралар билан кучайтиришлари, бир жойда қотиб қолишга ва бюрократизмга қарши курашишлари, омманинг ижодий активлигини ва ташаббусини қўллаб-қувватлашлари лозим. Ташкилотчилик ишларини яхшилаш, социалистик хўжалик юритишнинг ленинча принциплари асосида хўжалик қурилишига раҳбарлик методларини такомиллаштириш керак.

Олтинчи беш йиллик плани — миллионларнинг жонли, ижодий ишидир. Кишилар — ишчилар, колхозчилар, интеллигентлар, уларнинг фидокорона ва қаҳрамонона меҳнати олтинчи беш йиллик планининг муваффақиятли бажарилишини ҳал этади. Хўжалик планларини тўла ва ошириб бажариш ҳамда экономикамизни тўхтовсиз юксалтириш йўлидаги курашнинг қудратли воситаси бўлган социалистик мусобақани доим кучайтириш керак. Мусобақага раҳбарликни юксак даражага кўтариш, мусобақа натижаларини ҳаммага маълум қилиш ва тақдослаб кўрсатиш, фан ютуқларини ва илғор иш тажрибаларини ёйиш ҳамда қунт билан жорий қилиш, ишлаб чиқариш илғорларининг сафларини кенгайтириш — партия ва касаба союз ташкилотларининг, хўжалик ходимларининг бурчидир.

Совет халқи ўз кучларига, ўзининг порлоқ истиқболига ишонгани ҳолда, янги, 1957 йилга қадам қўйди. Совет халқи социалистик давлатнинг ўз манфаатларини қатъий туриб кўриқлаётганлигини, бутун дунёда тинчлик ишини изчиллик билан қатъий ҳимоя қилаётганлигини билиб, осойишта меҳнат қилиб келди ва меҳнат қилмоқда. Коммунистик партиянинг улуғ ижодий планларидан илҳомланган совет кишилари олтинчи беш йилликда муваффақият қозониш учун умумхалқ социалистик мусобақаси байроғини янада баланд кўтарадилар, коммунизм қурилишида янгидан-янги ғалабаларга эришадилар.

(«ПРАВДА»нинг 2-январдаги бош мақоласи).

Н. А. Булганиннинг Польша радиоси бош редакторининг САВОЛЛАРИГА ЖАВОБЛАРИ

ВАРШАВА, 1 январь. (ТАСС). Польша радиоси СССР Министрлар Совети Раиси Ўртоқ Н. А. Булганиннинг Польша радиоси бош редакторининг саволларига берган жавобларини эшиттирди.

Савол: СССР билан Польша ўртасидаги муносабатларнинг ривожланишида келгуси йилдаги перспективалар нимадан иборат?

Жавоб: 1956 йил Польша билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстона муносабатларга кўп янгилик киритди. Муҳим битимлар имзоланди. Бу битимлар Совет Иттифоқи ва Польша Халқ Республикаси халқлари ўртасидаги бузилмас қардошларча дўстликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун катта имкониятлар очиб беради. Мен бунда, даставвал, КПСС Марказий Комитети ва Совет Иттифоқи Ҳукумати делегацияси билан ПБИП Марказий Комитети ва Польша Халқ Республикаси Ҳукумати делегацияси ўртасида олиб борилган музокаралар муносабати билан чиқарилган қўшма баёнотни, шунингдек Польшада вақтинча турган совет қўшинларининг ҳуқуқий статуси тўғрисида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Ҳукумати билан Польша Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида тузилган битимни кўзда тутаман.

Биз янги, 1957 йилда иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида Польша билан Совет Иттифоқи ўртасидаги самарали ҳамкорликни кенгайтириш йўлида биргаликда зўр ғайрат билан ишлаймиз. Бунга шак-шубҳа йўқ. Ана шу ҳамкорлик ҳар иккала мамлакатнинг туб манфаатларига ва бутун социализм лагерининг манфаатларига муносиб бўлади.

Савол: Сизнинг фикрингизча, 1957 йил инсониятга нима келтириши керак?

Жавоб: Ғарбдаги баъзи мамлакатларнинг агрессив доиралари ва уларнинг пропагандаси тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш перспективалари тўғрисида кишиларда умидсизлик ва ишончсизлик туғдириш, зўр бериб қуролланиш ҳамда урушнинг фатал равишда зарурлигига кишиларни ишонишга мажбур этиш учун кўп куч сарф қилмоқдалар. Улар халқаро кескинликнинг юмшатилишига халақит беришга интилиб, ҳарбий авантюралар ва провокациялар қилмоқдалар.

Англия - Франция - Исроилнинг Мисрдаги агрессияси ҳамда Венгриядаги контрреволюцион исён буни яққол кўрсатиб берди.

Аммо, халқлар зўр бериб қуролланишга ва урушга нафрат билан қарайдилар. Улар ўзлари учун ва келажакдаги авлодлар учун тинч ва осойишта ҳаёт бўлишига ташнадирлар ва тинчлик душманларининг кирдикорларини барбод этишга астойдил интилмоқдалар. Бу эса, халқаро реакциянинг ҳар қандай агрессив ниятларига хилоф суратда тинчлик идеясининг тобора янги муваффақиятларга эшириши учун мустаҳкам гаровдир.

Бошланаётган 1957 йилда халқлар тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун, халқаро кескинликни юмшатиш учун, турли социал тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принциплари тантанаси учун олиб бораётган курашларида катта ғалабаларга эришадилар, деб ўйлашга ҳамма асос бор.

Совет Иттифоқи тинчлик ва хавфсизликни гарантиялаш учун энг кичик имкониятлардан ҳам аввалдагидек фойдаланади.

Кремлда янги йилнинг кутиб олиниши

Москва. Кремль. Спасск минорасидаги соат стрелкалари ўн иккига яқинлашиб келмоқда. Янги йилгача саноқли минутлар қолди. Ана шу дақиқаларда миллион-миллион совет кишиларининг фикри-зикри бу ерга, Ватан юрагига, Москвага, Кремлга қаратилган.

...Кремль чарогон. Катта Кремль саройи залларига неча юзлаб киши йиғилган. 31 декабрда Ўртоқ Н. А. Булганин янги йилни кутиб олиш кечасини ўтказди. Бу ерда Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари — К. Е. Ворошилов, Л. М. Каганович, Г. М. Маленков, А. И. Микоян, В. М. Молотов, М. Г. Первухин, М. З. Сабуров, М. А. Суслов, Н. С. Хрушчев, Г. К. Жуков, Л. И. Брежнев, Д. Т. Шепилов, Е. А. Фурцева, Н. М. Шверник, А. Б. Аристов, Н. И. Беляев, П. Н. Поспелов Ўртоқлар бор; бу ерда биз министрларни, СССР Олий Советининг ва Иттифоқчи Республикалар Олий Советларининг депутатларини, Совет Армияси сардорларини, олимларни, Москва фабрикалари ва заводларининг, колхоз, совхоз ва МТС ларнинг донгдор кишиларини, саноат ва қишлоқ хўжалик новаторларини, ёзувчиларни, рассом ва артистларни, архитектор ва ўқитувчиларни, врачларни ва инженерларни кўрамиз.

Совет ҳукуматининг бошлиғи кечани оча туриб, биринчи қадаҳни ўтиб кетаётган йил учун, совет кишиларининг ижодий меҳнатининг ҳамма соҳаларида янги муваффақиятлар билан нишонланган йил учун, совет халқи учун, залда ҳозир бўлган меҳмонлар учун кўтарди. Бу қадаҳ қарсаклар билан кутиб олинди.

Янги йилнинг бошланишига бир неча минут қолди. Ҳозир бўлганлар СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. Е. Ворошиловнинг янги йил муносабати билан Улуғ Совет давлати гражданларига қарата сўзлаган нутқини тинглайдилар. Радио орқали эшиттирилган бу нутқни ўша пайтда чароғон Кремль саройида ўтирган кишиларгина эмас, балки бепоён Ватанимизнинг ҳамма қисмларида тингладилар.

Янги йилни кутиб олиш кечасида унинг қатнашчилари учун концерт берилди.

Николай Александрович Булганин улуғ совет халқи учун қадаҳ кўтаради. Гулдурос қарсаклар бошланади.

Шундан кейин кетма-кет қадаҳлар кўтарилиб, табрик сўзлари айтилади. Никита Сергеевич Хрушчев қадаҳ кўтарар экан, совет кишилари тинчликка ташнадир, уларга мамлакатни тобора қудратли қилиш, турмушни эса тобора порлоқ ва қувноқ қилиш йўлида ижодий меҳнат қилиш учун тинчлик керакдир дейди. Лекин, дейди Н. С. Хрушчев, биз шу нарсани эсимиздан чиқармаслигимиз керакки, бир қанча капиталистик мамлакатларда зўр бериб қуролланиш давом эттирилмоқда, шу сабабли биз ўз армиямизни бир секунд ҳам унутмаслигимиз керак, биз уни биринчи даражали техника ва ярог-аслаҳа билан таъминлашимиз лозим. Биз шундай қилиб келдик, шундай қилмоқдамиз ва шундай қиламиз, чунки тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашни истаймиз, чунки биз Улуғ Октябрнинг ғалабаларини — совет ҳокимиятини ҳимоя қилишимиз лозим.

Кеча қатнашчилари Коммунистик партия Марказий Комитети биринчи секретарининг бу сўзларини маъқуллаб ва яна гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати учун, социализм мамлакатининг янада гуллаб-яшнаши учун, қаҳрамон совет ёшлари учун, СССР меҳнаткашларининг бутун социализм ва демократия лагеридаги халқлар билан қардошларча дўстлиги учун, бутун дунёда тинчлик учун қадаҳлар кўтарилди.

Пиравордида Н. А. Булганин дипломатлар, элчилар, вакиллар, ишончли вакиллар ва элчихоналарнинг ходимлари шарафига қадаҳ кўтаради. Кремль саройи залларида яна қарсаклар авж олади.

Москвадаги Дипломатик Корпус Оқсоқоли, Швециянинг СССР даги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Рольф Р. Сульман жаноблари сўз олади. У жавоб қадаҳи кўтаради.

Совет ҳукуматининг бошлиғи Н. А. Булганин янги йил муносабати билан ўтказган бу тантанали кеча самимият, дўстлик, очиқ кўнгил вазиятида ўтди. Бу кеча халқнинг, партиянинг ва ҳукуматнинг бузилмас бирлигини ифодалади; у, порлоқ оптимизм руҳи билан ҳамда Коммунистик партиянинг етакчилигида бораётган совет халқига янги йилнинг мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш ишида, тинчлик ва халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашдан иборат олижаноб ишда янги, буюк ғалабалар олиб келишига ишонч руҳи билан суғорилган эди. (ТАСС).

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советидан

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети атоқли давлат арбоби, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг Ўринбосари, Ўрта машинасозлик министри, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Завенягин Аврамий Павлович оғир касалликдан кейин 1956 йил 31 декабрда вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдирадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ **СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ**

Кўклам экиш кампаниясига намунали тайёргарлик кўрайлик

Сирдарё районидаги биринчи МТС коллективининг социалистик мажбурияти

Республикамиз меҳнаткашлари бутун совет халқи билан бир қаторда КПСС XX съездининг тарихий қарорларини амалга ошириб, саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш юзасидан олтинчи беш йилликнинг биринчи йил топшириқларини муваффақиятли бажардилар.

Совет Иттифоқининг асосий пахта базаси бўлган бизнинг республикамиз бу йил мамлакатга 2 миллион 860 минг тонна пахта етказиб бериш билан совет пахтачилигини ривожлантириш ишига муносиб ҳисса қўшди.

Ўзбек халқининг пахта етиштиришни кўпайтириш учун олиб борган курашида Тошкент область меҳнаткашлари, Сирдарё районининг колхозчилари, МТС ва совхоз ишчилари ҳам катта муваффақиятларга эришдилар. Бу катта ишни бажаришда бизнинг МТС коллективи ҳам зўр ғайрат кўрсатиб меҳнат қилди.

Мирзачўл ерларида ташкил топган ва биз хизмат кўрсатаётган колхозларда 1956 йилда ҳар гектар ердан олинган пахта ҳосили 1955 йилдагига нисбатан 2,6 центнерданга ошди ва ялпи пахта ҳосили 11809 тоннани ташкил этди.

Бу ютуқларга эришувимизда пахтачиликда илғор, прогрессив методларни жорий этишимиз — чигитни квадрат-уялаб экиб, ғўза қатор ораларини узунасига ва кўндалангига ишлашимиз ҳал қилувчи роль ўйнади.

1956 йилда МТСимиз зонасидаги колхозларда 1560 гектардан ортиқ майдонга чигит ўлчов симлари тортиб экилди ва 70 процент майдонда ғўза қатор оралари узунасига ҳамда кўндалангига ишланди.

Республикамиз колхозчилари, МТС ва совхозларнинг ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, олимлар ва барча меҳнаткашларнинг 1956 йилдаги фидокорона меҳнатларининг якуни ва 1957 йилдаги вазифалари қишлоқ хўжалик илғорларининг яқинда бўладиган традицион республика қурултойида муҳокама қилинади. Шу муносабат билан бизнинг коллективимиз ўзининг пахта учун курашда эришган ютуқларини мустаҳкамлабгина қолмай, балки бу муваффақиятларни кўпайтириш учун ҳам ёрдам берадиган барча имкониятларни режалаб чиқди.

МТС — колхоз ишлаб чиқаришини ривожлантиришда, пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада юксалтиришда ҳал қилувчи кучдир. Бу, бизнинг зиммамизга алоҳида масъулият юклайди.

1956 йил якунлари бизнинг пахтани янада кўплаб етиштириш учун катта-катта резервларга эга эканлигимизни кўрсатаётир. Бу резервлар техникадан тўла ва тўғри фойдаланиш, пахта етиштиришдаги барча ишларни энг қулай муддатларда, илғор агротехника қоидалари асосида тезда ўтказиш, биринчи навбатда пахтачиликда квадрат-уялаб экиш усулини кенг ва сифатли қўлланиш, экин қатор ораларини икки томонлама ишлашда ўз ифодасини топади.

1957 йилда МТСимиз зонасидаги колхозларда 4940 гектар майдонда пахта етиштирилади, шундан 2 минг гектар ерга 60x45 сантиметр схемаси билан ва 1200 гектар ерга 50x50 схемасида чигит экилади. 80 процент майдонда ғўза қатор ораларини икки томонлама ишлаш мўлжалланмоқда.

Мўл ҳосил етиштириш учун курашда ва пахта етиштиришни кўпайтириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни бажаришда муваффақият қозониш, биринчи навбатда кўклам экиш кампаниясини қисқа муддатда сифатли қилиб ўтказиб олишга боғлиқ эканлигини тушунган ҳолда, Сирдарё районидаги 1- МТС коллективи ҳозирги вақтда бутун кучни кўклам экиш кампаниясига намунали тайёргарлик кўришга сафарбар этаётир.

Биз ўз имкониятларимизни ҳисобга олиб, чигитни 8-10 иш кунида экиб олишга қарор қилдик. Бунинг учун биз трактор, сеялка, культиваторлардан иборат 86 экиш агрегатини тайёрлашимиз керак. Бундан ташқари, биз маккажўхори экиладиган агрегатларни, 24 ҳайдов тракторини, 24 чизелни, 200 комплект боронани, 12 тирковни, 12 та ер текислайдиган машинани ва барча ўғитлагичларни ҳам тайёрлашимиз лозим.

Шунинг билан бир вақтда бизнинг олдимизда чигитни квадрат-уялаб экиш ишларини бажарадиган 384 кишидан иборат экиш агрегатлари экипажларини тайёрлаш, колхоз раислари, полеводлар, далачилик бригадаларининг бошлиқлари ва бошланғич партия ташкилотлари секретарларига прогрессив экиш усулларини ўргатиш учун курслар ташкил этишдек муҳим вазифа ҳам турибди.

МТС коллективи ўзининг умумий йиғилишида кўклам экиш кампаниясига тайёргарлик кўриш вазифаларини муҳокама қилиб, қуйидаги **социалистик мажбуриятни қабул қилди:**

1. Барча ерларни 1957 йил 10 январгача ҳайдаб бўлиш.

2. Барча чопиқ тракторлари, сеялкалар, культиваторлар, чанглагич-пуркагичлар, ўғитлагичлар ва ер текислаш машиналарини ремонтдан чиқариш ва ишга тайёрлаш ишларини 10 февралгача тугаллаш.

3. 25 февралгача ҳайдов тракторларини, чизелларни, бороналарни ва уларга тиркаладиган бошқа машиналарни ремонтдан чиқариш ва ишга тайёрлаш.

4. Ўлчов симлари тортиб, чигитни квадрат-уялаб экишнинг сифатли ўтишини таъминлаш мақсадида барча ер текислаш машиналарини ишга тайёрлаш ҳамда ер текислаш ишларини 1957 йил 1 апрелгача тугаллаш.

5. Экиш агрегатларида ишлайдиган кадрларни тайёрлашни 20 февралгача тугаллаш, бунинг учун ўтган йил тажрибаси асосида кадрлар тайёрлашни 3 группадан иборат қилиб ташкил этиш. Бу группалар машғулоти МТС базасида, «Коммунизм» колхозида ва Ильич номли колхозларда ўтказилади. Машғулотлар бевосита даланинг ўзида, амалий равишда олиб борилади.

6. МТСнинг янги техника билан тўлдирилиши муносабати билан январь ва февраль ойлари давомида янги маркадаги трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарининг конструктив хусусиятлари, эксплуатация қилиш қоидалари, ремонт-технологияси, шунингдек уларнинг техник қаровини уюштириш билан таништириш учун трактор бригадаларининг бошлиқлари, уларнинг ёрдамчилари, тракторчилар ва ремонт ишчиларининг ўқиши ташкил этилади.

Трактор ва машиналарни ремонт қилиш ва ишга тайёрлашни белгиланган муддатларда тугаллашни таъминлаш учун МТСда ремонт бригадалари, узеллар ва ишчи ўринларининг бекор қолмаслиги юзасидан график тузилди. Биз устахоналаримизнинг ишлаб чиқариш имкониятини ҳисобга олган ҳолда, ремонт ишларига зарур миқдорда тракторчилар, трактор бригадаларининг бошлиқлари ва уларнинг ёрдамчиларини жалб этамиз.

Чигитни квадрат-уялаб экадиган сеялкаларни пухта созлаш талаб этилгани учун биз уларни ремонт қилиш ва тайёрлаш ишларини тажрибали бригадирларга, МТСнинг қишлоқ хўжалик машиналари бўйича инженери раҳбарлиги остида малакали слесарларга топширамиз.

Трактор узеллари ва агрегатларнинг ремонти сифати юзасидан контроль қилиб туриш ишларини МТСнинг контролёр инженери олиб боради ва бу ишда унга ёрдам бериш учун икки кишидан иборат тажрибали механиклар ҳам ажратилади.

Барча тракторчилар ётоқхона ва кунига 3 марта иссиқ овқат билан таъмин этилган.

Ремонт ишлари даврида МТС ишчилари учун лекциялар ва докладлар ташкил этилади, кинофильмлар кўрсатилиб туради, шунингдек бошқа маданий-маиший тадбирлар амалга оширилади.

Ремонт бригадалари ва ишчилар ўртасида социалистик мусобақани кенг қизитиб юбориш — кўклам экиш кампаниясига техникани тез ва сифатли қилиб тайёрлашнинг муҳим шартидир.

Социалистик мусобақа натижалари ҳар 5 кунда якунланади. Мусобақада голиб чиққан бригадалар учун кўчма Қизил байроқ ва индивидуал мусобақа илғорлари учун вимпеллар таъсис этилди.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва совет интеллигенцияси ишлаб чиқариш планларини бажариш ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани янада кенгроқ авж олдирадилар, ҳар бир саноат корхонаси, ҳар бир қурилишдаги, барча колхозлар, МТС ва совхозлардаги ишлаб чиқариш имкониятлари ва резервларидан энг кўп даражада тўла фойдаланиш учун бутун кучларни сарф қиладилар ва шу асосда КПСС XX съездининг тарихий қарорларини муваффақият билан амалга оширишга эришадилар, деб ишонч билдирди.

Бизнинг вазифамиз партия Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорларига меҳнатда янги ютуқларга эришиш билан жавоб беришдан иборатдир.

Биз Узбекистон ССРдаги барча машина-трактор станциялари ва совхозларнинг коллективларига мурожаат қилиб, уларни 1957 йил кўклам экиш кампаниясига техникани ва кадрларни аъло даражада тайёрлаш юзасидан социалистик мусобақага қўшилишга ва бу муҳим ишни меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига сайлов кунигача тугаллашга чақирамиз.

БУ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТ КОЛЛЕКТИВИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИДА МУҲОКАМА ҚИЛИНИБ, ҚАБУЛ ЭТИЛГАН. **СИРДАРЁ РАЙОНИДАГИ 1-МТС ЙИҒИЛИШИДА МУҲОКАМА ҚИЛИНИБ, ҚАБУЛ ЭТИЛГАН.**

Ўзбекистон КП Тошкент область комитетида

Область партия комитети бюроси Сирдарё районидаги 1- МТС коллективининг 1957 йил кўкламги дала ишларини ўтказиш учун техника ҳамда кадрлар тайёрлаш юзасидан ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятини муҳокама қилиб, **қарор қилди:**

1. Сирдарё районидаги 1- МТС коллективининг кўклам дала ишларини ўтказиш учун барча техникани ҳамда чигитни ўлчов симлари ёрдами билан квадрат-уялаб экадиган кадрларни 1957 йил 1 мартгача тайёрлаб олиш тўғрисидаги ташаббуси маъқуллансин.

2. Район партия комитетлари, район ижроия комитетларига ва МТС ҳамда совхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари секретарларига Сирдарё районидаги 1-МТС коллективининг социалистик мажбуриятини партия йиғилишларида ва МТС ҳамда совхоз ходимларининг умумий йиғилишларида муҳокама қилиш, ҳар бир коллективда социалистик мажбуриятлар қабул қилиш ва зарур бўлган амалий тадбирларни белгилаб чиқиш вазифаси юклатилсин.

Эстония ССР санъат ва адабиёт ходимлари орден ва медаллар билан мукофотланди

Эстон санъати ва адабиётини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун ҳамда эстон санъати ва адабиётининг Москва шаҳрида бўлиб ўтган декадаси муносабати билан СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ қуйидагилар Ленин ордени билан мукофотланди: «Эстония» Давлат академик опера ва балет театрининг солисткаси О. И. Геррец (Лунд), Ўша театрнинг солисти Д. Я. Куузик, Кингисепп номидаги Таллин Давлат драма театрининг артисти Х. Т. Лаур, «Ванемуйне» Давлат театрининг артисти А. М. Лаутер, «Эстония» Давлат академик опера ва балет театрининг солисткаси Э. П. Маазик, Кингисепп номидаги Таллин Давлат драма театрининг артисткаси А. А. Пиндам (Тальви), Давлат бадиий институтининг профессори рассом Г. Г. Рейндорф, Эстония ССР Рассомлар союзи правлениесининг раиси рассом Э. Я. Эйнманн.

Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан қуйидагилар мукофотланди: Таллин Давлат консерваториясининг профессори В. А. Алумэ, Эстония ССР Композиторлар союзи правлениесининг масул секретари композитор Э. А. Арро, Таллин Давлат рус драма театрининг артисти В. Д. Архипенко, «Эстония» Давлат академик опера ва балет театрининг бош режиссери А. Б. Винер, «Ванемуйне» Давлат театрининг бош режиссери К. К. Ирд, Давлат бадиий институтининг директори скульптор, профессор Ф. К. Лехт, рассом А. Г. Лийманд (Бах), Эстония радиоси симфоник оркестрининг бош дирижери Р. В. Матсов, «Эстония» Давлат академик опера ва балет театрининг солисткаси В. Ф. Нелус, Ўша театрнинг солисти Г. К. Отс, театрнинг бош дирижери К. Д. Раудсепп, ёзувчилар М. А. Рауд, П. М. Румм, И. Х. Семпер, Эстония ССР Ёзувчилари союзи правлениесининг раиси ёзувчи И. Ю. Смуул, Кингисепп номидаги Таллин Давлат драма театрининг артисткаси А. Я. Тамм, Ўша театрнинг бош режиссери И. А. Таммур, Давлат филармонияси халқ рақслари коллективининг раҳбари У. М. Тооми, ёзувчи А. М. Якобсон ва бошқалар, ҳаммаси бўлиб 46 киши.

«Ҳурмат белгиси» ордени билан 82 киши, «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали билан 175 киши мукофотланди. (ТАСС).

Пойтахтимиз янада обод ва кўркам бўлади

1956 йил Тошкент бинокорлари катта ғалабаларга эришган йил бўлди.

Бундан 7 ой муқаддам «Главташкентстрой» тузилди. Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги ҳузуридаги бу главка 45 та майда ва тарқоқ қурилиш ташкилотлари ва 2 бинокорлик материаллари заводи асосида ташкил топди. Янги главкада 9 та ихтисослашган УНР тузилди. Қурилиш ташкилотларининг йириклаштирилиши натижасида идора ишларида банд бўлган кўпгина кадрларни бевосита ишлаб чиқаришга кўчириш ва биргина маош фондидан бир миллион 31 минг сўм маблағни иқтисод қилиш имконияти туғилди.

Йирик қурилиш ташкилотлари тузилгани яна шу жиҳатдан қулай бўлдики, энди қўл кучи билан бажариладиган ишлар комплекс механизациялашди. Бригадаларни йириклаштириш ва ихтисослаштириш йўли билан бинокорлик ишларини поток усулда олиб боришга кўчилди, комплекс бригадалар сони кўпайди. Қурилиш участкаларининг йириклаштирилиши ишчи кучлари ва материал-техника ресурсларидан унумли фойдаланишга катта қулайликлар туғдирди.

Бу тадбирларнинг амалга оширилиши самарали натижа бераётир.

Жуковский кўчасида 880 болага мўлжалланган 4 қаватли ўрта мактаб биноси 7 ойда қуриб битказилди ва аъло баҳо билан фойдаланишга топширилди. Ваҳоланки, Муқимий кўчасида ундан кичик ҳажмдаги бино эски усулда 2 йилдан кўп вақтда битказилган эди.

Бизнинг главкага бирлашган деярли ҳамма қурилиш ташкилотлари рентабель ишламас, аксинча, уларнинг ҳар бири давлатдан кўп миқдорда қарздор эди. Ўтган йил октябрь ойида ҳам ана шулар ҳисобига бошқарма гарданида анчагина қарз бор эди. Ортиқча ҳаражатларни қисқартириш, исрофгарчиликни тугатиш, қурилиш қиймматини камайтириш учун курашни қизитиб юбориш туфайли ҳамма қарзларни уздик, энди барча қурилиш ташкилотлари рентабель ишлайдиган бўлди.

Бинокорликда индустриал методларни кенг қўлланиш, ҳар бир бригада ва ҳар бир участкада меҳнат унумдорлигини ошириш, иш сифатини яхшилаш учун ўзаро социалистик мусобақани йўлга қўйиш орқасида кўпинча УНРлар бир меёрда ишлайдиган бўлиб қолди. 224, 227, 970, 971 ва 977-УНРлар йиллик топшириқни муддатидан бир-бир ярим ой олдин бажардилар. 14 декабрда эса бутун главка бўйича йиллик план бажарилди. Йил охиригача қўшимча равишда 4 миллион сўмлик иш қилинди. Ўтган йилнинг худди шу муддатидагига қараганда 32 миллион сўмлик кўп қурилиш-монтаж ишлари бажарилди, ҳар бир ишчининг меҳнат унумдорлиги 25-30 процент ортди.

Тошкентда 1956 йили 1955 йилдагига қараганда икки ҳисса кўп бинолар қурилди. Айниқса, телевизион марказ, «Пахтакор» стадионининг ядроси, 200 кишилик мактабинтернат, 6 та кўпқаватли ўрта мактаб, 10 та ётоқхона сингари объектларнинг фойдаланишга топширилганлиги пойтахт аҳолисини жуда қувонтирди.

Меҳнаткашларнинг уй-жойларга нисбатан тобора ортиб бораётган эҳтиёжини қондириш соҳасида ҳам анча ишлар қилинди. Йил давомида умумий ҳажми 35 минг квадрат метрдан иборат 63 уй-жой биноси қуриб битказилди ва унга бир неча юз оила кўчиб кирди. Шота Руставели, Ворошилов, Қорасарой, Ново-Московский, Богдан Хмельницкий, Ўқчи сингари кўчаларда бир неча муҳташам бинолар қад кўтариб, пойтахтимиз ҳуснига ҳусн қўшди. Чиланзор массивида кенг ҳажмда қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

Бундай ютуқлар бинокор ва дурадгорларнинг, монтажчи ва механизаторларнинг, десятник ва бригада бошлиқларининг ҳамда прорабларнинг жонбозлик кўрсатиб, фидокорона меҳнат қилиши натижасида қўлга киритилди. Главка техника-иқтисодий кўрсаткичларини юксалтиришда суворчи Мели Расулев, бетончи Суннат Нурмуҳамедов, гишт терувчи Флор Бодин, десятник Раҳим Зиёев, прораблардан Агафонов ва Титков ўртоқлар сингари юзлаб ишлаб чиқариш новаторлари катта ҳисса қўшдилар.

Қўлга киритган ютуқларимиз, шубҳасиз, катта. Коллективимиз бу ютуқлар билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Бироқ, ҳозирги пайтда уй-жой танқислиги ҳеч кимга сир эмас. Демак, биз бинокорлар ҳали аҳолидан жуда катта қарздормиз. Буни яхши сезган ҳолда, главка коллективи ўз олдига янги йилда олтинчи беш йилликнинг биринчи йилидагига нисбатан бир ярим баравардан кўп қурилиш-монтаж ишлари бажариш вазифасини қўйди. 1957 йили камида 60 минг квадрат метр уй-жой қурамиз.

Янги йилда ғиғма темир-бетон конструкциялар, блоклар, паннель ва бошқа эффектив бинокорлик материаллари анча кўп ишлаб чиқарилади. Қурилиш ташкилотлари юқори иш унумли механизмлар билан янада кўпроқ қуролланади. Буларнинг ҳаммаси меҳнат активлиги кун сайин ортиб бораётган бинокорларимизнинг янада унумли ишлаши, пухта ва кўркам биноларни тез ва арзон қуриши учун кенг шароит туғдириб беради.

Қисқа вақт ичида катта ғалабаларни қўлга киритган главка коллективи 1957 йил вазифаларини ҳам муваффақият билан бажаради.

С. АЗИЗОВ,

«Главташкентстрой» бошлиғининг ўринбосари.



«Чирчиксельмаш» заводининг юзлаб ишчилари 1958-59 йиллар ҳисобига ишлаётир. Суратда: механика цехининг новатор ишчиси **А. Изманлов** иш устида.

В. Салов фотоси.

Юксалаётган завод

Тошкент йирик индустриал марказга айланди. Бу ерда ўнлаб янги заводлар қурилмоқда ва улар тез суръатлар билан ўсмоқда.

Бундан 20 йил муқаддам Салор станцияси яқинида «Красний Октябрь» ремонт устахонаси ташкил қилинган эди. Унда бор-йўғи 3-4 та эски станок бўлиб, 30 га яқин ишчи трактор ва автомашиналарни ремонт қиларди. Бир неча йилдан сўнг бу устахона кенгайтирилиб, ремонт-механика заводига айлантирилди. Завод жуда тез ўса борди, цехлар қурилди, мавжуд цехлар эса кенгайтирилди. Деярли ҳамма участка янги ускуна ва механизмлар билан қуроллантирилди, ўнлаб инженер-техник кадрлар, юзлаб юқори малакали мутахассислар билан мустаҳкамланди.

Бу янги завод айниқса 1951 йилдан бошлаб жуда тез суръатлар билан юксала бошлади. 1948 йили завод бир миллион 700 минг сўмлик маҳсулот берган бўлса, 1951 йилда бундан қарийб икки ҳисса кўп маҳсулот ишлаб чиқарди. Агар шу 1951 йилги кўрсаткични 100 процент деб олсак, бешинчи беш йилликнинг охирги йилида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 400 процент ортди. 1955 йилнинг ўзида 1954 йилдагига нисбатан 6 миллион 600 минг сўмлик кўп маҳсулот тайёрланди. Беш йил мобайнида ҳар бир ишчининг меҳнат унумдорлиги 250 процент кўпайди.

1956 йил эса бу илғор корхона учун янада катта ғалабалар йили бўлди. Бу йилда 1955 йилдагига нисбатан деярли икки ҳисса кўп план берилган эди.

— Биз, — дейди завод директори Ўртоқ Хорват, — ишлаб чиқариш майдонини унча кенгайтирмаган ҳолда, мавжуд қувватлардан унумли фойдаланиш, илғор иш методларини кенг қўлланиш, кўпгина процессларни механизациялаш ва автоматлаштириш натижасида бу катта планни ҳам муддатидан бир ой олдин бажардик. 11 ойнинг ўзида 20 миллион 300 минг сўмликка яқин машина ва механизмлар ишлаб чиқардик. Янги йилни пландан ташқари бир неча юз электроколонка, юздан ортиқ тақсимловчи электрошчит, элеватор, радиал станок, лентали транспортёр, фильтр, трубопровод ва бошқа хил машиналар ҳамда бир неча юз минг сўмлик запас қисмлар етказиб бериш билан кутиб олдик.

Ўтган йили ҳар бир ишчининг меҳнат унумдорлиги бешинчи беш йилликнинг биринчи йилидагига нисбатан уч баравардан зиёдроқ ортди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархи белгиланганидан 20 процент камайтирилди. Хўжалик йили давомида жойлардан биронта ҳам рекламация олинмади. Хомашё ресурсларини тежаш ва ортиқча ҳаражатларни қисқартириш йўли билан 5 миллион 609 минг сўм жамғарма берилди.

Бу рақамларга эришиш осон бўлмади. Бутун коллектив гоят зўр ғайрат ва ташаббус кўрсатиб ишлади. Минутларни қува-қува, смена нормасини мунтазам 2-3 баравар ошириб бажараётган фрезеровщик Саркис Мелкумов, электромонтажчи Қосим Йўлдошев сингари юзлаб новатор ишчилар, ишлаб чиқаришга ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилаётган старший мастер-электрик Сергей Какоткин, цех бошлиғи Фадей Ольшанский, технолог Николай Данилов каби ўнлаб новаторлар коллектив ютуғига катта ҳисса қўшдилар. Йиғувчи мастер Юрий Мелохов, инженер Георгий Мурин, слесарь-фрезеровщик Павел Дуданов ўртоқлар каби рационализаторлар кўпгина техника янгиликлари яратиб, корхонага катта фойда келтирдилар. Ўртоқ Мелоховнинг «ХДТ» фильтри затворининг конструкциясини ўзгартириш тўғрисидаги биргина таклифининг ўзи 40 минг сўмликка яқин давлат маблағини тежаш имкониятини берди.

Завод техника иқтисоди кўрсаткичларининг ўсиши билан ишчиларнинг моддий турмуши ҳам тобора яхшиланмоқда. Ўтган йили ҳар бир ишчининг ўртача маоши 1000 сўм ошди.

Мана, яқиндагина кичкина, кўримсиз устахона ўрнида бунёдга келган Тошкент электромеханика заводи сўнгги йилларда қанчалик юксалганини юқоридаги фактлардан яққол билиб олиш мумкин. Меҳнатни шон-шараф иши, мардлик ва қаҳрамонлик иши деб биладиган бу завод коллективи янги йилда авваргидан ҳам жадал суръатлар билан ишлаш режаларини тузмоқда. Доим олға интилиб келаётган ва ўз зиммасига олган мажбуриятларни анча ошириб бажараётган бу меҳнатсевар коллективнинг 1957 йилда ҳам партия XX съезди Директивларини амалга ошириш соҳасида қувончли ютуқларга эришиб, областимиз машинасозлик саноатини янада юксалтиришга катта ҳисса қўшиши шубҳасиздир.

З. ИСРОИЛОВ.

Редакцияга хатлар

Кинотеатрдаги тартибсизликлар тугатилсин

Сирдарё район марказидаги «Ўзбекистон» кинотеатрининг фаолияти меҳнаткашларни мутлақо қаноатлантирмаётир. Бу ерда томошабинларнинг жиддий эътирозларига сабаб бўлувчи тартибсизликлар рўй бермоқда.

Яқинда шундай воқиа бўлди: райондаги Маленков номли колхоз аъзоси Бозор Ортиқов тўрт ярим сўмга билет олиб кинога кирди. Билетда 10- қатор, 11- жой деб ёзилган эди. Аммо ана шу жойда Аҳмаджон исмли бир шахс ўтирарди.

— Бу жой бизники экан, турсангиз, — деди Ортиқов ҳалиги кишига.

— Отангизнинг маҳрига тушганми?! — деб дўқ урди Аҳмаджон.

— Ахир билетда кўрсатилган жой шу экан-да.

— Бораверинг, ким олдин келса, жой шуники. Тушингизни сувга айтинг.

Шундай қилиб, билет олган Ортиқовнинг жойида билетсиз кирган Аҳмаджон сурбетлик қилиб томоша кўрди.

Бундай воқиа кинотеатр ҳаётида ягона эмас. Ҳар сеансда Ортиқовга ўхшаган 20-30 томошабин фильмни тик туриб кўради.

Бу ерда билет сотишда ҳам камчиликлар кўп. Ким зўр бўлса, билетни шу олади. Билет олиб-сотувчи тартиб бузарлар дастидан хотинқизлар ва қариялар билет олиш учун ёқда турсин, кассанинг яқинига ҳам келолмайдилар. Чайқовчилар кассадан билетни 2 ёки 3 сўмга олиб, ўз нархидан бир неча баравар ортиқ сотадилар. Кино-залда фильм намойиш қилинаётган пайтда писта чақиш, папирос чекиш, хуштак чалиб, ғовур-ғувур авжига чиқади.

Юқорида айтилган камчиликлар тўғрисида «Совет Ўзбекистони маданияти» газетасида ҳам танқидий материал босилган эди, лекин аҳвол тузалмади. Район маданият бўлимининг мудири Соатов, кинотеатр директори Баламатов ўртоқлар томошабинларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган нуқсонларни тезда тугатиш чораларини кўришлари керак.

Н. САИДОВ.

Янги музика асарларини қачон эшитамиз?

1958 йилда Москвада ўзбек адабиёти ва санъати декадаси ўтказилади. Ҳозир республикамизда бу декадага тайёргарлик кўрилмоқда. Ёзувчиларимиз, рассомларимиз ва санъаткорларимиз декадага янги асарлари билан боришлари керак. Лекин биз композиторларимизнинг декадага қандай тайёргарлик кўраётганликларини билмаймиз. Композиторларимизнинг янги асарларини эшитишни истаймиз.

Республика Радио комитети томонидан эшиттирилаётган ашула ва куйлар орасида янгилари жуда оз. Меҳнаткашларнинг турмуши кундан-кунга фаровон бўлмоқда. Улар меҳнат соҳасида катта ютуқларга эришмоқдалар. Бироқ, халқимизнинг ҳозирги дид ва талабига жавоб бера оладиган, уларнинг турмуши, бахт-саодати, фидокорона меҳнатини тараннум этувчи асарлар кам эшиттирилмоқда.

Модомики шундай экан, ҳақли бир савол туғилади: композиторларимиз нима иш қилмоқдалар? Қандай янги асарлар яратмоқдалар? Яратилган бўлса, нега эшиттирилмайди? Биз композиторларимиздан янги асарлар яратишларини ва уларни меҳнаткашларга таништириб боришларини истаймиз ва талаб қиламиз.

А. ХУЖАЕВ.

Тошкент радиодеталь заводининг новатор фрезеровщиги.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Кончилар ва шахта қурувчиларнинг маиший эҳтиёжларига эътибор берилсин“

Юқоридаги сарлавҳа билан газетамизнинг 1956 йил 24 ноябрь сонида мақола босилиб, унда Оҳангарон шахтёрлари ва қурилиш ишчиларининг уй-жойларини ҳамда ётоқхоналарини ремонт қилиш ёмон аҳволда эканлиги, шаҳар меҳнаткашларига маиший хизмат кўрсатиш қониқарсизлиги танқид қилинган эди.

Меҳнаткашлар депутатлари Оҳангарон шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Ғуломовнинг редакциямизга хабар қилишича, мақола Оҳангарон шаҳар партия комитетининг пленумида ва шаҳар ижроия комитетининг мажлисида муҳокама қилинган. Пленум ва мажлисда газетада кўрсатилган камчиликларни бартараф қилиш ҳамда меҳнаткашларга маиший хизматни яхшилашга қаратилган тадбирлар белгиланган қарор қабул қилинган.

„Гастролёр секретарнинг бир кунлик иши“

Газетамизнинг ўтган йил сонида юқоридаги сарлавҳа остида чиққан мақолада Бўка район партия комитетининг секретари ўртоқ Г. Мартиненконинг МТС ва колхоз ҳаётини яхши билмасдан, юзаки раҳбарлик қилиши ҳамда унинг ишидаги айрим камчиликлар танқид қилинган эди.

Ўзбекистон КП Бўка район комитетининг биринчи секретари ўртоқ Шайховнинг редакциямизга хабар қилишича, мақола район партия комитетининг бюро мажлисида муҳокама қилинган. Бюрода ўртоқ Мартиненконинг иш услуби танқид қилинган; район экономикасини чуқур ўрганиш, ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилиш, райондаги барча бошланғич партия ташкилотларига амалий ёрдам бериш муҳим вазифа деб ҳисобланган.

500 минг сўмлик маблағ тежалди

Фарҳод ГЭС энергетиклари 1956 йил давлат плани ва социалистик мажбуриятни шараф билан бажардилар.

Станция коллективи илғор иш методларини оммалаштириб ва асбобускуналардан унумли фойдаланиб, ташкилий-техника тадбирларини ўз вақтида амалга оширдилар. Натижада станциянинг шахсий эҳтиёжлари учун сарфланадиган электр энергияси 23,5 процент тежалди ва пландан ташқари 500 минг сўмлик маблағ иқтисод қилинди.

Б. ЯҲЁЕВ.
И. БАРАКАЕВ.

ПАРТИЯ ТЕМАСИДА

Колхоз бошланғич партия ташкилотларига амалий ёрдамни янада кучайтирамиз

Район партия комитетларининг МТС зоналари бўйича инструкторлик группалари олдида ҳозир жуда катта ва мураккаб вазифалар турибди. Улар пахтакорларни, чорвадорларни, МТС ходимларини ва қишлоқ хўжалик мутахассисларини КПСС XX съезди белгилаб берган улуғвор вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун курашга кенг сафарбар этишда колхоз ҳамда МТСларнинг бошланғич партия ташкилотларига кундалик амалий ёрдамни тинмай кучайтириб боришлари лозим. Бунда асосий эътибор бошланғич партия ташкилотларида олиб бориладиган партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларнинг ҳозирги куннинг юксак талабларига жавоб берадиган даражада бўлишини таъминлашга қаратилиши зарур.

Ўртасарой район партия комитетининг 2- МТС зонаси бўйича инструкторлик группаси ўз фаолиятида шунга амал қилмоқда.

Колхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари инструкторлик группасининг яқиндан бераётган ёрдами туфайли омма билан ишлаш, ишлаб чиқариш кадрларини танлаш ва тўғри жойлаштириш, меҳнатни ташкил этиш, социалистик мусобақани йўлга қўйиш каби ташкилий тадбирларни тўғри белгилайдиган бўлиб қолдилар. Улар белгиланган ана шу ташкилий тадбирларни тўла-тўкис амалга ошириш учун оммани сафарбар этиш имконини берадиган оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларни олиб бориш йўлларини кун сайин яхшироқ ўрганиб олаётирлар.

Жданов номли колхоз илғор бирмунча қолоқ хўжаликлардан бири ҳисобланар эди. Инструкторлик группаси, даставвал, ана шу қолоқликнинг сабабларини чуқур ўрганди. Натижада шу нарса аниқландики, колхоз партия ташкилоти ҳам, правлениеси ҳам колхозчиларнинг меҳнатини ташкил этишга кам эътибор бериб келганлар. Колхозчиларнинг бир қисми жамоат меҳнатида тўлиқ қатнашмаган. Бундан ташқари, колхозда қишлоқ хўжалик машиналаридан фойдаланиш тўғри йўлга қўйилмаган ва ҳоказолар.

Инструкторлик группаси ишни колхозни тажрибали раҳбар кадрлар билан таъминлаш, бошланғич партия ташкилотини мустаҳкамлашдан бошлади. Район партия комитети инструкторлик группасининг тавсияси ҳамда колхозчилар ва колхоз коммунистларининг талабига биноан правление раислигига навли сабзавот уруғлари тайёрлаш республика конторасининг илғориги бошлиғи ўртоқ Зокировни, бошланғич партия ташкилотининг секретарлиги вазифасига колхоз раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш мактабини тамомлаб келган ўртоқ И. Юсуповни юборди.

Шундан сўнг инструкторлик группаси колхоз бошланғич партия ташкилоти билан биргаликда коммунистларни ишлаб чиқариш участкаларига қайта тақсимлаш масаласини кўриб чиқди ва буни тўғри ҳал қилди. Ҳозир партия ташкилоти ҳисобидаги 19 коммунистдан 12 киши далачилик бригадаларида, 3 киши чорвачилик фермаларида ишлаётир.

Колхоз партия ташкилоти коммунистларнинг иши устидан доимий контроль олиб боради, уларга ўзлари ишлаётган участкада ишни тўғри ташкил этишда кун сайин амалий ёрдам беради. Бу — коммунистларнинг авангардлик ролини оширмоқда.

Ҳарбир колхозчи билан, звено ва бригада аъзолари билан суҳбатлар ўтказиш, колхозчиларнинг уйларида тез-тез бўлиб туриш йўли билан уларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш, таклиф ва маслаҳатларига қулоқ солиш партия ташкилотининг омма ўртасидаги таъсирини ва обрўсини оширмоқда, унинг омма билан алоқасини мустаҳкамламоқда.

Колхоз партия ташкилоти ўзи белгилаган у ёки бу тадбирни амалга оширанда ҳамма имкониятлардан фойдаланиши зарур. Шундагина унинг иши яхши натижа беради. Коммунист бирон камчиликка йўл қўйса ёки хато қилса, уни партия йиғилишида коммунистларнинг муҳокамасига қўйиш ва зарур чора кўриш мумкин. Агар партиясиз колхозчи шундай қилса, қандай чора кўриш керак? Колхоз партия ташкилоти ана шундай кишиларнинг номуносиб ҳатти-ҳаракатини правление мажлисида муҳокама қилиб, қабул қилинган қарор ва кўрилган чора ҳақида шу колхозчи ишлаётган бригада аъзоларини хабардор қилиш практикасини қўлланади.

Шуни айтиш керакки, софдиллик билан ҳалол меҳнат қилаётган колхозчилар ҳам эътибордан четда қолдирилмайди. Агитаторлар ўз суҳбатларида бунга катта ўрин берадилар. Улар дангаса, ишёқмасларни колхозчилар ўртасида фош қиладилар, уларни кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлган илғорлардан намуна олишга даъват этадилар. Бунда, албатта, мисол қилиб олинган илғор колхозчининг ижобий сифатлари, меҳнатга муносабати ва яхши натижага эришиш учун нималар қилаётганлиги атрофлича кўрсатиб берилади.

Кишилар билан олиб борилган жонли иш жуда яхши натижалар бермоқда. Колхоз аъзоси Марҳамат Жўраева 1955 йили фақат 66 меҳнат куни, Ғиял Тўлебоева эса 106 меҳнат куни ишлаган эдилар. Юқоридаги каби тарбиявий таъсир кўрсатилгач, 1956 йили М. Жўраева 200, Ғ. Тўлабоева эса 250 дан ортиқ меҳнат куни ишлади. 1955 йили колхозда меҳнат кунлари минимумини 16 колхозчи бажармаган эди. Ўтган йили эса колхозда меҳнат кунлари минимумини бажармаган биронта колхозчини учратмайсиз.

Партия ташкилоти ташкилий ва оммавий-сиёсий тадбирларни пухта ўйлаб, тўғри белгилай олиши ва уни хўжалик ишлари билан мувофиқлаштириб олиб бориши колхозчиларнинг ижодий ташаббусини, меҳнат соҳасидаги активлигини кўп даража ошириш имконини берди. Бинобарин, бу билан колхозда пахтадан мўл ҳосил етиштириш, олинган социалистик мажбуриятни муддатидан илгари тўла-тўкис бажариш учун қулай шароит яратилди. 535 гектар майдоннинг ҳар гектаридан давлатга 1955 йилдагига нисбатан 5 центнер кўп, яъни 25 центнердан пахта топширилди.

Колхозда чорвачиликнинг маҳсулдорлиги ҳам сезиларли даражада кўтарилди. Ҳар бир соғин сигирдан 1955 йилдагига нисбатан 200 литр кўп сут соғиб олинди. Колхоз чорвачилик маҳсулотлари топшириш мажбуриятини бажариб, давлатга сотган чорвачилик маҳсулотлари учун икки автомашина олди.

Хўжалик йилининг якуни колхознинг ўтган йили қолоқликдан чиқиб, районнинг ўрта даражадаги хўжаликлари даражасига кўтарилганлигини кўрсатди. Колхоз 1956 йилда хўжаликдан 1955 йилдагига нисбатан 50 процент кўпроқ — 3 ярим миллион сўм даромад олди. Меҳнат кунининг қиммати ҳам ана шу зайилда ошди.

Агар колхоз партия ташкилоти омма ўртасида ишлашни янада кучайтириб, партиявий-ташкилий ҳамда сиёсий-тарбиявий ишларнинг савиясини янада кўтарса, партиявий ишларни хўжалик ишлари билан боғлаб олиб борса—колхознинг илғор хўжаликлар даражасига етиб олишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Инструкторлик группаси эса колхоз партия ташкилотига хўжаликнй қолоқликдан чиқариш учун олиб борган курашида қандай ёрдам берган бўлса, уни илғор хўжалик даражасига етказиш юзасидан тадбирлар белгилаганида худди шундай амалий ёрдам кўрсатади.

Инструкторлик группасининг илғари қолоқ ҳисобланган ва ҳозир ўрта даражали колхозлар қаторига етиб олган Будённий номли колхоз бошланғич партия ташкилотига кўрсатаётган ёрдами ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин.

Колхозларда пахтачиликни ривожлантириш, унинг ҳосилдорлигини ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини оширишда комсомол ташкилотлари ҳам катта роль ўйнайдилар. Шунинг учун ҳам уларнинг фаолиятини кучайтириш, комсомол ва ёшлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни яхши йўлга қўйишда уларга яқиндан ёрдам бериш зарур.

МТС зонасидаги колхозларда юзлаб комсомол-ёшлар пахтачилик, чорвачилик ва хўжаликнинг бошқа тармоқларида намуна кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Комсомол аъзоларидан ўнларча киши агитатор бўлиб ишлаётир. Улар коммунистлар билан бир қаторда колхозчилар, чорвадорлар ўртасида оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларни кучайтиришда партия ташкилотларига яқиндан ёрдам бермоқдалар.

МТС зонасидаги колхозларга район партия комитетининг инструкторлари Ғ. Салимов ва П. И. Ким ўртоқлар билан бир қаторда район комсомол комитетининг инструктори ўртоқ Ли Владимир ҳам биркитиб қўйилган. Лекин ўртоқ Ли ёш ва қишлоқ хўжалиги билан яхши таниш эмас. Шунинг учун у, колхоз комсомол ташкилотларига сиёсий-тарбиявий ишларни яхши йўлга қўйишда ёрдам бериш билан бирга, ўзи ҳам ёрдамга муҳтож. Шуни назарда тутиб, Салимов ва Ким ўртоқлар ўртоқ Лига ёқиндан ёрдам бермоқдалар.

Инструкторлик группаси бошланғич партия ташкилотларига ёрдам кўрсатганида, социалистик мусобақани тўғри ташкил этишга катта эътибор берди. Бунда агитколлективларнинг қучидан тўғри фойдаланиш, сиёсий агитациянинг барча формаларини кенг қўлланиш ҳал қилувчи роль ўйнади.

Колхозлардаги агитколлективларнинг фаолияти вақти-вақти билан социалистик мусобақа шартларидан келиб чиқадиган вазифалар, муҳим хўжалик ва сиёсий тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган вазифаларга мувофиқлаштириб борилди. Бунинг учун агитаторларнинг семинарлари тез-тез ўтказиб турилди, семинарда агитаторлар учун фақат лекция ва докладлар ташкил этиш, тажриба алмашишни давом эттириш билан бир қаторда, улар колхозлар ўртасида, шунингдек колхоз миқёсида бригадалар ўртасида тузилган социалистик мусобақа шартларининг қандай бажарилаётгани ҳақида хабардор қилиб борилди.

Инструкторлик группаси колхозларнинг бошланғич партия ташкилотларига партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни тўғри йўлга қўйиш, уни хўжалик вазифалари билан чамбарчас боғлаб олиб бориш юзасидан берган катта амалий ёрдамлари туфайли МТС зонасидаги барча колхозларда пахта етиштириш юзасидан олинган социалистик мажбурият тўла бажарилди. МТС зонаси бўйича 4255 гектар майдоннинг ҳар гектаридан давлатга ўрта ҳисобда пландаги 24 ўрнига 26 центнердан кўпроқ пахта топширилди.

Айрим колхозлар янада яхшироқ натижаларга эришдилар. «Северний маяк» колхозининг аъзолари 975 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил йиғиб олдилар. Колхозда ҳар бир гектар ернинг ҳосилдорлиги 1955 йилдагига нисбатан 7 центнер ошди. Ўтган йиллари қолоқ ҳисобланган Будённий номли колхозда ҳар бир гектар ердан давлатга қарийб 23 центнердан пахта топширилди. Свердлов номли, Молотов номли, Сталин номли колхозларнинг эришган кўрсаткичи ҳам ана шундай яхши бўлди.

Ҳозир инструкторлик группаси бошланғич партия ташкилотларига колхозчиларни, МТС ходимларини ва қишлоқ хўжалик мутахассисларини бу йил пахтадан янада мўл ҳосил олиш учун пухта замин ҳозирлаш, чорва қишловини намунали ўтказиш учун курашга сафарбар этиш юзасидан зарур ёрдам кўрсатмоқда.

С. САЪДУЛЛАЕВ.

Ўртасарой район партия комитетининг 2-МТС зонаси бўйича секретари.

Дўстлик ёзишмалари

Тошкентдаги Нариманов номли ўрта мактабда ўқувчиларнинг дўст ва иноқ коллективи вужудга келган. Мактаб ўқувчилари қардош республикалар, Халқ демократияси мамлакатларидаги ўқувчилар билан ҳам дўстлик муносабатларини ўрнатишган. Мактаб дружинаси номига Украина, Озарбайжон, Қирғизистон, Тожикистон, Удмурдистон каби қардош республикалардан, Польша, Чехословакия сингари мамлакатларнинг мактаб ўқувчиларидан кўплаб дўстлик мактублари келиб туради.

Мана почтальон одатдагидек мактаб адресига ёзилган мактубларни кўтарган ҳолда пионерлар хонасига кириб келди.

— Келинг опажон, — деди бош пионер вожатий Баҳромов, — хушмуомалалик билан, — яна қандай янгиликлар келтирдингиз?

— Дружинангиз номига бир қанча хат бор, — деди почтальон сумкасини стол устига қўяр экан. У бир даста хатни бош пионер вожатийга узатди. Ўртоқ Баҳромов хатларни қаердан, қайси ўқувчи номига келганлигини кўриб чиқди. Булар орасида Прага шаҳридаги 92-мактаб ўқувчилари юборган мактуб ҳам бор эди. Бу мактуб дружина пионерлари номига ёзилган эди.

— «Қадрли дўстлар, — деб бошланган эди хат, — аввало чехословакиялик пионерларнинг тугалмас дўстлик саломини қабул қилгайсизлар. Бизлар ўз она тилимиз қатори умумхалқ тили бўлган буюк рус тилини ҳам жуда севиб ўрганмоқдамиз. Биз сизларни кўрмаган бўлсак ҳам ушбу мактубимизни ёзиб, сизлар билан дўстона алоқада бўлиб туришни истаймиз...»

Бу дўстлик мактуби Улуғбек номли дружина пионерларининг йиғилишида ўқиб эшиттирилди. Пионерлар дўстларнинг мактубларидан беҳад хурсанд бўлишди. Тезда уларга дружина пионерлари номидан жавоб ёзилди...

— «Қадрли ўзбекистонлик дўстлар, — деб ёзилди Удмурдистон АССРнинг Сарапол шаҳар мактаб ўқувчиларидан Галя Бурдинова, — мен 4-синфда ўқийман. Сизларнинг республикангиз пахта базаси. Бу ҳақда ўқитувчиларимиз бизга сўзлаб берган. Мен пахтанинг қандай етилишига жуда қизиқаман. Сиз дўстларимиздан илтимос, мактабимиз номига эсдалик учун бир туп ғўзани кўсаклари билан юборсанглар. Биз уни дўстлигимизнинг символи деб билардик».

Бу хатга жавоб ёзишни 4-синф ўқувчилари ўз зиммаларига олишди. Ўзбекистонлик мактаб ўқувчилари ўзларининг Мичурин участкаларида чигит экиб, кўплаб ҳосил олаётганликлари ҳақида тўла-тўкис ёзишди. Пахталари чаман бўлиб очилиб ётган участкаларни акс эттирувчи расмларни хатга қўшиб юборишди.

Белоруссия ССР Минск шаҳридаги 15-нчи ўрта мактабнинг Матросов номли отряд пионерлари ўз хатларида бундай деб ёзишади: «Улуғ Ватан уруши йилларида гитлерчи босқинчилар биз яшаб, ўқиб турган шаҳарнинг кўп ерларини вайрон қилди. Улуғ Ватан урушидан сўнг шаҳримиз тез суръатлар билан тиклана бошлади. Янги-янги биноолар, мактаблар қурилди. Биз ўқиб турган мактабимиз Свислочь дарёси яқинига жойлашган.

Дўстлар, бизлар иккинчи чоракда «Ҳур республикалар бузулмас союзин — ғоюштирди мангу улуғ рус халқи» деган темада тантанали сбор ўтказамиз. Шунинг учун сизлардан илтимос, ўз республикангиз хаёти ҳақида бизларга маълумот юборсангизлар. Бизлар ҳам ўз шаҳримиз ҳаёти ҳақида маълумотлар юборамиз».

Шунингдек, Архангельск областининг Онега, Литва ССРнинг Каунас, Украина ССРнинг Киев шаҳридаги мактаб ўқувчиларидан келган хатлар дўстлик туйғуси билан суғорилган. Узоқ шаҳар, ўлка ва турли республикалардан келган дўстлик хатларига 15-мактаб ўқувчилари зўр эътибор билан қарайдилар ва уларнинг мактубларига муносиб жавобларни ўз вақтида ёзиб юбордилар.

Т. ЯЙЛАВОВ.

Маданият хроникаси

Бекобод районидаги Ленин номли колхозда янги радиоузел қурилди. Узел қуриш ва колхозчиларнинг уйини радиолаштиришга декабрь ойининг бошида киришилган эди. Радиотехник ўртоқ Ҳамидов раҳбарлигида ишлаётган бригада аъзолари ўзаро социалистик мусобақа асосида меҳнат қилиб, 250 дан ортиқ хонадонни радиолаштиришни тамомладилар. Янги йилда хонадонларни радиолаштириш тамомланиб, узел ишга туширилди.

А. Ҳожимирзаев.

* * *

Тошкентдаги тўқимачилик саноати машинасозлиги заводи кутубхонасида китобхонларнинг тематик конференциялари системали равишда ўтказилиб туради. Бу конференцияларга кутубхона активлари — ишчилар, инженер-техник ходимлар яхши тайёргарлик билан қатнашаётирлар. Яқинда бу ерда «Киши қаҳрамон бўлиб туғилмайди, балки қаҳрамон бўлиб етишади» деган темада конференция ўтказилди. Конференцияда токарлар, слесарлар, мастерлар, экономистлар А. Фадеевнинг «Ёш гвардия», Б. Горбатовнинг «Донбасс», Н. Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди», Б. Полевойнинг «Чин инсон ҳақида қисса» романларидаги севимли қаҳрамонлар тўғрисида сўзлаб бердилар.

Р. Абдуллаев.

* * *

Республика Маданият уйида ўнлаб тўгараклар мунтазам ишлаб турибди.

Драма тўгарагининг иши диққатга сазовордир. Бу тўгарак аъзолари «Зўраки табиб» номли пьесани тайёрламоқдалар. Тўгаракка Ҳамза номли театрнинг режиссёр ёрдамчиси Ўртоқ Муротов раҳбарлик қиляпти. Ўртоқ Нишонов раҳбарлик қилаётган музика тўгарагида ҳам фестивалга тайёргарлик ишлари яхши бораяпти. Тўгаракда 30 кишидан иборат рубобчилар ансамбли бор.

Залда балет тўгарагининг аъзолари рақс тушаётирлар. Булар бугун «Хоразм лазгиси»ни машқ қилмоқдалар. Балетга қатнашаётган Марҳамат Қамбарова, Роза Нажмиддиновалар рус рақсларини ҳам маҳорат билан ижро этаётирлар.

Фото тўгарагининг аъзолари Маданият уйининг ҳаётидан ва саноат илғорларининг суратларидан алоҳида-алоҳида альбом тайёрлаш ишини бошлаб юбордилар.

Ҳ. Ҳакимов.
С. Тиллахўжаев.

МУЛ ҲОСИЛ УЧУН МУСТАҲКАМ ЗАМИН ЯРАТАЙЛИК

Гулистон районидаги Молотов номли колхоз аъзолари давлатга ҳар гектар ердан 33 центнердан пахта топширдилар. Ҳозир колхозда шудгор қилиш, ерларнинг шўрини ювиш каби ишлар қизитиб юборилган. **Суратда:** тракторчи **Э. Каримов** ва прицепщик **Н. Пардабоев** ерни шудгор қилмоқдалар.

А. Аверьянов фотоси.

Ўз касбим билан фахрланаман

Мен қарийб беш йилдан бери I-«Боёвут» совхозида механизатор бўлиб ишлайман. Бу касб менга жуда ёқади. Чунки, шу касбим орқали пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун умум халқ курашига ўз ҳиссамни қўшаётганлигим билан фахрланаман.

Бизда ҳар йилнинг ўзига хос мазмуни, салмоғи бор. 1956 йил барча совет кишилари ҳаётида катта ғалаба йили бўлганидек, совхозимиз ишчилари ҳам пахтачилик соҳасида дуруст натижаларга эришдилар. Шу йили гектаридан олинган ҳосил ўтган йилдагига нисбатан 6,5 центнер ошди.

Пахтадан йилдан-йилга юқори ҳосил олиш биз механизаторлардан сидқидиллик билан меҳнат қилишни, бажарилаётган ишнинг сифатини яхшилашни, берилган вазифани агротехника муддатларида адо этишни талаб қилади. Биз шунга амал қиламиз. Мен ўз агрегатимдан унумли фойдаланиб, уни доим техника кўригидан ўтказиб туриб ишлашим натижасида шу кунгача 250 гектар пахта майдонини шудгор қилдим. Мен билан мусобақадош Шокир Юсупов, Шавкат Аблаев ўртоқлар ҳам шундай кўрсаткичга эришиш учун курашмоқдалар.

Совет кишилари улуғ кунларни муносиб совғалар билан кутиб олишга одатланиб қолганлар. Биз ҳам янги баҳт, янги саодат олиб келган Янги йилни ана шундай муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олдик.

Я. ҲАКИМОВ,
I- «Боёвут» совхозининг механизатори.

Мўл ҳосил учун курашилмаётир

Чиноз районидаги Маленков номли колхозда кейинги пайтларда ер ҳайдаш ишлари ҳаддан ташқари бўшаштириб юборилди. Колхозда 1957 йилда пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун чинакамига курашилмаётир. Чиноз МТСининг ана шу колхозда хизмат қилаётган ўртоқ П. Тен бошлиқ трактор бригадаси контролликнинг йўқлиги туфайли гоят сусткашлик билан ишламоқда. Ўртоқ У. Ҳайдаров бошлиқ бригаданинг 33 гектар ердаги ғўзапояси чала юлинганидан 30-35 процент ғўзапоя ерда қолиб кетган. Бу ҳол айни вақтда тракторларнинг юришини қийинлаштириб, уларнинг иш суръатини пасайиб кетишига сабаб бўлаётир. М. Жангиров, Ш. Иброҳимов, Р. Турдиалиев ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг далаларидаги ғўзапоя эса ҳалигача юлиб олинмаган.

Далага маҳаллий ўғит ташиб чиқариш ишлари ҳам ўзи бўлаётганлиги ва ташлаб қўйилган. Шу сабабли ҳайдов тракторлари кўпинча бекор туриб қолаётир. Шудгорлашга ажратилган иккита НАТИ ва ХТЗ тракторлари ҳам кўнгилдагидек ишламаётир, уларнинг ҳар бири билан кунига 8-10 гектар ўрнига 2-3 гектар ер ҳайдалаётир. Юқоридаги фактлар шуни кўрсатадики, колхоз правлениеси ва партия ташкилоти 1957 йил ҳосили учун қайғирмай қўйган.

Район партия ва совет ташкилотлари масъулиятни ҳис қилиб, шудгорлаш ишларини пайсалга солаётган ана шундай колхозларга амалий ёрдам беришлари, колхозларда шудгорлаш ишларини тез кун ичида сифатли қилиб тугалланиши учун зарур чора ва тадбирларни амалга оширишлари керак.

З. ҚУРТНАЗИРОВ.

Наслдор чорвачилик совхозида

Ўзбекистонда энг йирик совхоз ҳисобланган Тошкент наслдор чорвачилик совхозининг фермалари Чатқол тоғ этакларида жойлашгандир. Бу хўжалик майин жунли қўйчилик хўжалиги сифатида жуда машҳур бўлиб қолган. Бу совхоз ўтган йил куз фаслидагина қарийб бир минг бош наслдор чорва моллари колхозларга берди.

Тошкент наслдор чорвачилик совхозига ярим майин жунли ва майин жунли қўйларнинг биринчи тўдаси келтирилганига атиги олти йил бўлди, шунга қарамай, ҳозир уларнинг сони 15 мингдан ошди. Ҳар бир қўйдан 3,3 килограмм жун қирқиб олинди. Майин жунли ҳар бир қўйдан олинадиган даромад дастлаб жунли ўн бош қўйдан олинадиган даромадга баравардир. (ЎзТАГ).

ЯНГИЙЎЛДА

АДАБИЙ КЕЧА

Яқинда Навоий номли 4-ўрта мактаб ўқувчилари шаҳар кутубхонаси биносида шоир Ҳамид Олимжоннинг ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий кеча ўтказдилар. Кечага ота-оналар, шаҳардаги 3, 5 ва 10-мактабларнинг ўқувчилари, ўқитувчилари ҳам таклиф қилинди. 10-синф ўқувчиларидан П. Қўчқоров «Ҳ. Олимжон — баҳт ва шодлик куйчиси», З. Раҳмонқулов «Ҳ. Олимжоннинг ҳаёти ва ижоди», М. Раҳимова «Ҳ. Олимжон — янги турмушга йўлловчи», К. Ҳошимов «Ҳ. Олимжон ижодида хотин-қизлар образи» деган темаларда доклад қилдилар.

Кечанинг иккинчи қисмида Ҳ. Олимжон асарларидан бадиий ўқишлар бўлди. Мактаб адабиёт ўқитувчиси Каромат Абдураҳмонова раҳбарлигида тайёрланган бу адабий кеча тингловчиларда яхши таассурот қолдирди.

ДАВОЛАШ-ПРОФИЛАКТИКА МУАССАСАЛАРИ СОНИ КЎПАЙМОҚДА

Шаҳар корхоналари, район колхозлари ва чорва яйловларида янги фельдшерлик пунктлари, туғруқхона ва шифохоналар ташкил этилмоқда.

Янгийўл шаҳар ва район территориясида ҳозир 32 та даволаш муассасалари ишлаб турибди. Урушдан кейинги беш йилликлар ичида Янгийўлда медицина ходимларининг сони 130 дан 319 кишига кўпайди. Булар орасида барча мутахассисликлар бўйича юқори малакали врачлар бор.

ТАЪЛИМ УСТАХОНАЛАРИ

Райондаги 28-етти йиллик мактабда дурадгорлик устахонаси қурилиб, ишга туширилди. Мактабга оталик қилувчи Молотов номли колхоз правлениеси устахона қурилишига яқиндан ёрдам берди. Кенг ва ёруғ икки хонадан иборат бу устахона арра, теша, искана, парма ва бошқа асбоблар билан таъминланган.

Шунингдек, райондаги Хрушчев номли 26, Ворошилов номли 25-ўрта мактабларда қурилган таълим устахоналари ҳам зарур асбоб-ускуналар билан таъминланди. Янги таълим устахоналари ўқувчиларга политехника билими беришда қулайлик туғдирмоқда.

Ҳ. ЭРАЛИЕВ.

Чўл бағрида мевали боғлар

Мирзачўлнинг янги ўзлаштирилаётган ерларида мевали боғлар, узумзорлар барпо қилиш учун қизғин кураш кетмоқда. «Дружба» совхозининг коллективи куз мавсумида юз минг тупдан ортиқ олма, нок, ўрик ва шунингдек манзаралар дарахт кўчатлари ўтқазди. Совхознинг маркази ва бўлимлари яқин йиллар ичида ямяшил қишлоққа айланади. «Фарҳод», Булганин номли, 4-«Боёвут» совхозларида ҳам мевали дарахтлар ўтқазилди. Бу совхозларда ҳаммаси бўлиб 120 минг туп хархил мевали дарахтлар ўтқазилди. Янги боғлар 3-4 йил ичида пахтакорлар учун илк меваларни беради.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорига асосан Мирзачўл воҳосидаги совхозларда 1956-1960 йиллар ичида 2 минг гектардан ортиқ ерда узумзор ва мевали боғлар бунёдга келтирилиши лозим. Совхозларнинг ишчи ва хизматчилари ана шу мақсад йўлида қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Сатира ва Юмор

Эгри қўл ва тўғри тарози

Тошкентнинг Вилоят кўчасидаги 61-сонли озиқ-овқат магазини (мудири А. Собиров) совет савдоси қоидаларини бузиб, тарозидан уриб, молларни ортиқча, нарх билан сотиб келмоқда. Бу ҳақда Октябрь райпищеторгининг директори Ўртоқ Абдуразоқовга шикоят хати ёзилди. Яқинда маҳалла активларининг иштирокида ушланган 150 килограмм ун (2 сўм 65 тийинлик) участковой Содиқов (5-милиция бўлими) бошчилигида акт тузилиб, терговчи Турди Ниёзовга берилган эди. Лекин акт текширилмаяпти. Шикоятлар натижасиз қолиб келмоқда.

(Мухбир хатидан).

Эгри қўлдан юз буриб,
Деди тўғри тарози:
— Ҳар ишни қилгувчи сен,
Эл-юрт мендан норози.

«Контроль»ман одатча
Тўғрилик севган ишим.
Бироқ юлиб-юлқиш-ла
Утмоқда ёзу-қишим.

Ахир токай эл ҳақин
Уриб ўндан-тўққизин.
Мен восита, «боплайсан»
Чалғитиб харидор кўзин.

У эгри қўл сирларин
Бир бошдан очиб ташлар,
«Сўзамол, силлиқ йигит»
Дея дадил сўз бошлар.

Ҳар кун қанча мол келар,
Сон-саломғи йўқ, бироқ —
Маҳалла-кўй бебаҳра
Кун кўрмай кўздан йироқ:
Сўнг тарози пинжидан
Тош турар-бас, э мудир!
Кўз очиб кўрган ишинг —
Қаллоблик, касбинг шудир.
Қаллобликни фош этар,
Эшитган ҳайрон қолар.
Ҳаромхўр, эгри қўлнинг
Кайфи бирдан тарқалар.

Тарозининг палласи
Сўйлар эгри қўл изин,
Эл-юрт ҳақи қуритар —
Юлғичларнинг илдизин.

Толиб ЙЎЛДОШ.

Бу қандоқ бўлди?

Мулла Матқовул кинотеатр кассасидан билет олиб чиқди-да:

— Буни рўмолингнинг учига тугиб қўй, кампир, — деди у, хотинига билетни узатиб.

Чол-кампир сеанс бошлангунча Бешёғоч майдонини сайр қилишмоқчи бўлиб, икки қадам босишган эди, кимдир чақирди. У ўгирилиб, қадрдон дўсти Мирза Мирқобилни кўриб қолди.

— Ие, Мирза Мирқобил, омонмисиз, қайси шамол учирди?

— Муқимий театрида томоша кўрайлик деб бир ҳавсала қилувдим, биродар.

— Ҳай, билет олдиларми?

— Билет қайда, кеча тамом бўлган дейишяпти.

— Эссизгина, ҳай майли, пулдан кўпроқ борми?

— Нима эди?

— Каримова деган кассир хотин бор-ку, ҳалигина ўн беш сўмлик билетдан тўрттасини йигирмаданга пуллаганини кўрдим. Ўшанда бор.

— Анави хотинми? Кўрдим. 3 тасини 60 сўмга сув қилди. Мен сўрасам, йўқ деб бурилиб кетди. Танишларига сотаяпти...

— Бўлмаса кинога кирайлик.

— Йўқ, раҳмат, кеча кўрувдим.

Сигнал чалинди. Мулла Матқовул кинога, Мирза Мирқобил уйга равона бўлди...

Муқимий номидаги музикали драма ва комедия театрининг маъмурияти бунга нима дер экан?

Г. АВЛОЕВ.

Бир вақтнинг ўзида

— Марҳамат, гаплашсинлар, — телефонистка Гронина трубкани узатиб, аппаратнинг аллақаерини чиқ этиб босди.

Ҳалидан бери мунтазир бўлиб ўтирган киши трубкани қулоғига тутиб, анчагача «алло, алло» деди. Бироқ ҳеч қандай жавоб эшитилмади. У Гронинага қараган эди, у яна кутаверинг дегандек имлаб қўйди. Орадан ярим соат ўтди, лекин ҳалиги киши гоҳ трубкага пуфлар, гоҳ «алло» дер эди. У гаплашишдан умидини узиб, алоқа бўлимидан чиқиб кетар экан, қулоғида гоҳ «Не наво» ашуласи, гоҳ об-ҳаво маълумоти, гоҳ кимнингдир қуйиб-пишиб, Бекободдаги аллақандай киши билан гаплашаётгани жаранглаб турарди.

У Боёвут район марказига жойлашган алоқа бўлимидаги бу техника янгилигидан таажжубланар эди. Ҳа-да! Бир вақтнинг ўзида ҳамма нарсани эшиттирадиган аппарат унинг тушига ҳам кирмаган йўқ-да! Алоқа бўлимининг бошлиғи Белобородов бўлса телефон, радио алоқаларини тартибга солиш ўрнига абонемент йиғиш билан овора. Афтидан бунақа телефонга унинг иши тушмаганга ўхшайди.

С. УСМОНХУЖАЕВ.

Ўзбекистоннинг кекса музейи

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Табиёт музейининг ташкил қилинганига 80 йил тўлди. Музейнинг ташкил қилиниши ва унинг тарихи ўтмишда қолоқ бўлган Туркистон ўлкасига рус маданияти ва фанининг кириб келишини кўрсатувчи характерли далилдир.

Туркистон ўлкасининг Россияга қўшилиши катта прогрессив аҳамиятга эга бўлди. Натижада рус интеллигенциясининг прогрессив вакиллари ва Россия жамоатчилиги Туркистонда маданият ва прогрессив ғояларнинг ўсишига катта таъсир кўрсатдилар. Н. А. Северцев, А. Н. Федченко, П. П. Семёнов-Тянь-Шанский, И. В. Мушкетов, Н. А. Зарудний, В. В. Бартольд ва бошқа рус олимлари ҳамда саёҳатчилари Туркистоннинг биринчи текширувчилари бўлдилар. Мазкур рус олимлари Туркистоннинг бой табиати ва тарихи юзасидан олиб борган текшириш ишлари билан дунё фани ва маданияти тарихи ҳазинасига қимматли ҳисса қўшдилар.

Ўша йилларда илғор рус олимларининг ғайрат ва ташаббуси билан колониал ўлка — Туркистон территориясида қатор маданий муассасалар ташкил қилинди. Табиётшунос, антропология ва этнография ҳаваскорлари Рус жамиятининг Туркистон бўлими, Туркистон халқ кутубхонаси (1870 йил), Тошкент метеорология станцияси (1867 йил), Тошкент астрономик обсерваторияси (1874 йил), Рус география жамиятининг Туркистон бўлими (1897 йил), Археология ҳаваскорлари Туркистон тўгараги (1895 йил) каби муассасалар шулар жумласидандир. Табиёт музейи ҳам ўша даврда, яъни 1876 йилда ташкил қилинган эди. У маҳалда бу муассасани Тошкент музейи деб атардилар. Олимлардан А. П. Федченко, В. Ф. Ошанин, Н. А. Маев, Ю. Ф. Южаков, А. И. Вилькис ва бошқа ўртоқлар бу музейнинг актив ташкилотчилари бўлдилар.

Тошкент музейи экспонатлари дастлабки йилларда ижарага олинган уйларга жойлаштирилган. Музей экспонатлари олимлар ва бошқа музей ишларига қизиқувчи шахслар томонидан берилган маблағлар ҳисобига тўлдирилар эди. Давлат томонидан эса музей эҳтиёжларига йилига бор-йўғи 600 сўмга яқин пул ажратилар эди, холос. Бу музей томошабинларни Туркистоннинг хилма-хил табиати, табиий бойликлари ва ўлкада яшовчи халқларнинг моддий ҳаёти билан таништирарди.

1883 йилда музей Тошкент халқ кутубхонаси билан бирлашади. Шу даврда унинг фондида ҳаммаси бўлиб 3200 га яқин кўргазмали предмет бор эди. Булар музейнинг зоология, қишлоқ хўжалик, минералогия, саноат, этнография ва археология бўлимларига қўйилган эди.

Илғор рус олимлари томонидан олиб борилган катта ишларга қарамай, музейда ўлкани тўла акс эттириш ва илмий ишлар айтарлик даражада ривожлана олмади. Подшо ҳукуматининг маданий-оқартув муассасаларига ажратадиган жуда оз маблағи музей эҳтиёжларини сира қондира олмасди.

Фақат Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейингина Туркистонда фан ва маданият барқ уриб ривожлана бошлади. Ана шундан сўнг музей ҳаётида ҳам янги давр бошланди.

1918 йилда Тошкентда Туркистон халқ университети (ҳозирги В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети)нинг ташкил қилиниши ва музейнинг халқ маорифи системасига ўтказилиши бу маданий муассаса ишларини кенг кўламда ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Машҳур зоолог ва саёҳатчи Н. А. Зарудний бошчилигида тузилган ташаббускор олимлар группаси қисқа вақт ичида музей фондидаги коллекцияларни тартибга келтирдилар. 1919 йил бошларида кенг томошабинлар оммаси танишиши учун музей экспонатлари 7 бўлимга ажратилиб, собиқ «Оқ уй» биносига жойлаштирилди. Шу билан бирга, музей тўғрисида янги низом ишлаб чиқилди, ходимлар эса илмий-текшириш ишлари олиб боришга жалб этилди.

1923 йилдан Тошкент музейи Ўрта Осиё Бош музейи деб атала бошлади. Ана шу даврдан бошлаб Ўрта Осиёнинг ҳар хил районларидаги табиий-тарихий объектларни планли равишда изоҳлаш ва табиатни илмий равишда ўрганиш мақсадида музей ходимлари ҳар йили илмий экспедицияларга чиқадиган бўлдилар. Ўрта Осиё Давлат университети профессорлари — зоологлар Д. Н. Кашкаров, Н. А. Бобринский, А. Н. Бродский, ботаник Е. Ф. Коровин, этнограф М. С. Андреев, полиантолог З. Ф. Гозиндро-Кульчицкий, шунингдек машҳур энтомолог И. Яновский ўртоқлар музей томонидан ташкил қилинган илмий экспедицияларда актив иштирок этдилар.

Илмий экспедициялар натижасида музей фонди маҳаллий материаллар ҳисобига бойиди. 1925 йилга келиб музей экспонатлари 30 та хонани эгаллади. Музейга Ўрта Осиё этнографияси, археологияси ва табиётшунослиги бўйича қатъий ўлкашунослик характерини бериш мақсадида унинг ҳарбий-тарихий ва бадиий бўлимлари тугатилди. Бу бўлимлар асосида бадиий музей (ҳозирги Ўзбекистон Давлат санъат музейи) ва Революция музейи (ҳозирги ЎзССР Фанлар академиясининг Ўзбекистон халқлари тарихи музейи) ташкил қилинди.

1935 йилдан музейга давлат табиёт музейи деб ном берилди. Энди музей Ерда ҳаётнинг келиб чиқиши ва ривожланиши тарихини, органик дунёнинг эволюциясини, ўлка табиёти ва уни бўйсундиришни акс эттиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Музейнинг Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ихтиёрига берилиши (1944 йил февраль) бу ерда илмий ва маданий-оқартув ишларини янада ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ана шу даврдан бошлаб музей табиётшуносликнинг, ўқувчилар ва аҳоли орасида табиёт тўғрисидаги билимларни пропаганда қилишнинг йирик марказига айлана борди. 1948-1950 йилларда мукаммал тематик-экспозицион план ишлаб чиқилди. Ана шу план асосида бизнинг мамлакатимизда ғалаба қилган прогрессив Мичурин таълимоти — совет ижодий дарвинизмига бағишланган экспозиция ташкил қилинди. Бу экспозицияда улуғ табиётшунос олим Дарвин таълимотининг асосий қоидалари ва бу таълимотни ижодий равишда ривожлантирган совет олимларининг — К. А. Тимирязев, И. В. Мичурин, Т. Д. Лисенко, М. Ф. Иванов, В. З. Докучаев ва В. Р. Вильямс ўртоқларнинг Ватан агробиология фанини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссалари акс эттирилди. Ижодий дарвинизмга аталган экспозициянинг ташкил қилиниши музейнинг бошқа бўлимларидаги умумий биология масалаларига бағишланган экспозицияларни ҳам ҳозирги замон фани ютуқлари асосида қайта кўриб чиқишни зарур қилиб қўйди. Шунга кўра палеантология, эмбриология, органик дунё эволюциясининг солиштирма анатомик исботи ва одамнинг келиб чиқиши экспозицияларини қайтадан тузиб чиқдик.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини мумкин қадар тўлароқ акс эттиришга ҳаракат қилаётган музей ходимлари сўнгги йилларда республика пахтачилиги ҳақида мукаммал тушунча берувчи экспозициялар ташкил қилишга эътиборни кучайтирдилар. Пахтачилик бўйича янгидан ташкил қилинган экспозиция музей қишлоқ хўжалик бўлимида асосий ўринни ишғол қилади. Бу экспозицияларда колониал Туркистонда пахтачиликнинг аҳволидан тортиб, пахтачиликда ҳозирда эришилган ютуқларгача кўрсатилган. Томошабинлар бу ерда партия XX съезди томонидан республика пахтакорлари олдига қўйилган вазифалар билан, селекция ва уруғчиликнинг роли, пахтачилик илғорлари, ҳозирги замон илғор агротехникаси, пахтани квадрат-уялаб экиш ва уни комплекс механизация ёрдамида парвариш қилиш билан таниша олишлари мумкин.

Урушдан кейинги йилларда республика қишлоқ хўжалигининг чорвачилик ва бошқа турли соҳаларини акс эттирувчи экспозициялар ҳам янги материаллар билан бойитилди.

Музейнинг илмий ходимлари фонддаги экспозицияларга асосланиб, аҳоли орасида катта илмий пропагандистик ва маданий-оммавий ишлар олиб бормоқдалар. Музейга келувчилар учун экскурсиядан олдин обзор лекциялар ўқилади. Бундан ташқари, музей ходимлари маҳаллаларда ва ҳар хил корхона, муассасаларда «Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши», «Одамнинг келиб чиқиши», «Ўзбекистонда пахтачилик», «Ер қимирлаши ва унинг сабаблари» каби турли темаларда лекция ҳамда суҳбатлар ўтказадилар.

Партия ва ҳукуматнинг колхозларда ва қишлоқ жойларда табиий-илмий билимлар пропагандасини кучайтириш тўғрисидаги кўрсатмаларига асосан музей ходимлари 1950 йилдан бери пахтачилик, чорвачилик, Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, одамнинг келиб чиқиши темаларида кўчма виставкалар ташкил қилиб келмоқдалар. Бундай виставкалар Фарғона водиси, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё ва қисман Бухоро областларининг қишлоқларида намойиш қилинди. Бу виставкаларни қишлоқ марказлари ва дала шийпонларида намойиш қилиш колхозчилар учун турли табиий-илмий темаларда суҳбатлар ўтказиш билан қўшиб олиб борилади.

Музей республика Фанлар академияси ихтиёрига берилганидан бери илмий ходимларимиз Ўзбекистон флораси ва фаунасини ўрганиш билан боғлиқ бўлган илмий-текшириш ишларида, янги экспозицияларни ташкил қилишда, музейлар тажрибаларини ёритувчи илмий-методик мақолалар тайёрлашда қатнашиб келмоқдалар.

Партия ва ҳукуматимизнинг республика фани ва маданиятини тинмай ривожлантириш тўғрисида доимо қилиб келаётган ғамхўрликларидан баҳраманд бўлаётган музей ходимлари аҳолига маданий хизмат кўрсатишни, табиий билимлар пропагандасини янада яхшилайдилар.

А. А. БЕКУЗИН,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Табиёт музейининг директори.

Суратда: консультант ўртоқ А. Ф. Мауер гидрометеорология техникумининг бир группа студентларига пахтачилик бўлими экспонатлари ҳақида сўзлаб бермоқда.

В. Салов. фотоси.

Совет Иттифоқи Маршали Г. К. Жуковнинг Ҳиндистонга таклиф этилганлиги тўғрисида

Ҳиндистон ҳукумати Совет Иттифоқи Маршали Г. К. Жуковни 1957 йил январь ойининг иккинчи ярмида Ҳиндистонга келишга таклиф этди.

Маршал Г. К. Жуков Ҳиндистон ҳукуматининг таклифини қабул қилди.

Халқларнинг кучи енгилмасдир

Н. С. Хрушчевнинг «Руде право» газетаси редакцияси саволларига берган жавоблари тўғрисида ГДР матбуотининг ёзганлари

БЕРЛИН, 1 январь. (ТАСС). Германия Демократик Республикасидаги барча газеталар КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. С. Хрушчевнинг «Руде право» газетаси мухбирига берган жавобларини босиб чиқармоқдалар ёки бу жавобларнинг мазмунини баён қилмоқдалар.

«Нейес Дейчланд» газетаси «Халқларнинг кучи енгилмасдир» сарлавҳали мақоласида суҳбатнинг Н. С. Хрущчев коммунистик ва ишчи партияларни мустаҳкамлаш учун, пролетарлар бирдамлигини мустаҳкамлаш учун, халқаро ишчилар ҳаракати сафларини жипслаштириш учун бутун кучларини сафарбар қилиш, марксизм-ленинизм принципларига, пролетар интернационализми принципларига, «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган жанговар чақириққа содиқ бўлиш зарурлиги ҳақида гапирган ўринларини алоҳида таъкидлайди.

«Берлинер цейтунг» газетаси Н. С. Хрушчевнинг айтганларини қуролсизланиш ва ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги янги таклиф деб характерлайди ва бу таклиф яхши перспективалар очиб беради, деб ёзади.

«Нейе Цейт» газетаси «Хрушчев тинчликка олиб борадиган йўлни белгилади» деган сарлавҳали хабарида суҳбатдаги уч асосий моментни, яъни қуролсизланиш, коллектив хавфсизлик ва халқаро ҳамкорликни уқтириб ўтади.

«Национал-Цейтунг» газетаси Н. С. Хрушчевнинг «Руде право» редакцияси саволларига берган жавобларини шарҳлаб, бундай деб ёзади: «Ҳозирги кунда ҳар бир кишига шу нарса аён бўлмоғи керакки, империалистларнинг уруш чиқазиш йўлидаги ҳар қандай уринини ва реакцион кучларнинг социалистик мамлакатлар халқлари эришган ютуқларга қасд қилиш йўлидаги ҳар қандай уринини қаттиқ зарбага учрайди».

Хайфонда Совет Иттифоқига бағишланган виставка

ХАНОЙ, 31 декабрь. (ТАСС). «Той мой» газетасининг хабар беришича, бугун Хайфонда Совет Иттифоқига бағишланган виставка очилади. Жуда кўп фотовитриналар ва диаграммалар Совет Иттифоқида олтинчи беш йиллик план қандай бажарилаётганлиги ҳақида, энг йирик қурилишлар ва енгил саноатнинг ривожланиши ҳақида, совет халқининг иши ва дам олиши тўғрисида ҳикоя қилиб беради. Виставкада Вьетнам Демократик Республикасининг президент Хо Ши Мин бошчилигидаги ҳукумат делегациясининг 1955 йилда Совет Иттифоқига қилган сафари ҳақидаги суратларга анча ўрин берилган.

ИНДОНЕЗИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ МУРОЖААТИ

ЖАКАРТА, 1 январь. (ТАСС). Индонезия Коммунистик партиясининг Марказий Комитети янги йил муносабати билан Индонезия халқига мурожаат қилди. Индонезия халқи олдида, дейилади мурожаатда, 1956 йилда демократик ҳаётда, парламент томонидан қабул қилинган сиёсий программани зўр ғайрат билан бажаришда Саастромижойо ҳукуматини қўллаб-қувватлаш ва унга ёрдам бериш учун барча кучларни сафарбар қилишда қўлга киритилган ғалабаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш вазифаси турибди.

Индонезия Коммунистик партияси Индонезия халқини миллий мустақилликни мустаҳкамлашга, демократияни кенгайтиришга, турмушни яхшилаш учун, тинчлик ва халқлар ўртасидаги дўстлик учун кураш олиб боришга чақиради.

Венгрияда суғориш канали қурилиб бўлди

БУДАПЕШТ, 31 декабрь. (ТАСС). Венгриянинг шарқи-шимолида қарийб 100 километр узунликдаги Бош Шарқий суғориш канали қурилиб бўлди.

Бу канал Сабольч-Сатмар ва Хайду-Бихар областларида 100 минг хольд (1 хольд 0,57 гектарга баравар) ерни суғоришга имкон беради.

Болгар халқи янги, 1957 йилга ўзининг порлоқ истиқболига зўр ишонч билан қадам ташламоқда

Георгий Дамяновнинг янги йил муносабати билан сўзлаган нутқи

СОФИЯ, 1 январь. (ТАСС). Болгария Халқ Республикаси Халқ мажлиси президиумининг раиси Георгий Дамянов янги йил муносабати билан радио орқали болгар халқига мурожаат қилиб гапирди. Георгий Дамянов ўз нутқида бундай деди: Бутун болгар халқи янги, 1957 йилга ўзининг порлоқ истиқболига қаттиқ ишонган ҳолда қадам қўймоқда. Ўтган, 1956 йил, деди Г. Дамянов, Болгария халқининг тарихига буюк меҳнат ғалабалари ва сиёсий ғалабалар йили бўлиб киради. Болгар халқи 1956 йилда ўзининг шонли Коммунистик партияси раҳбарлиги остида Совет Иттифоқи билан ва бошқа социалистик мамлакатлар билан дўстлик ҳамда ҳамкорликни тобора мустаҳкамлаб, саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, маданият ва маорифни ривожлантириш соҳасида янгидан катта муваффақиятларга эришди. Янги завод, фабрикалар ва электростанциялар ишга туширилди. Қишлоқда кооператив тузуми янада кўпроқ ривожланди ва мустаҳкамланди. Бу муваффақиятларнинг ҳаммаси шу нарсани яққол исбот этадики, болгар халқи танлаб олган социалистик қурилиш йўли бирдан-бир тўғри йўлдир. Мамлакат шу йўл билан боргандагина озод социалистик давлат сифатида ривожлана олади, шу йўлдан борилганидагина халқнинг осойишта ва бахтли ҳаёти таъминланади.

Г. Дамянов айтдики, болгар халқи эришган муваффақиятлар партия ва ҳукумат теварагига янада маҳкам жипслашган ишчилар, деҳқонлар ва интеллигентлар ўртасида сиёсий активлик ва меҳнат ғайратини ғоят кучайтирди. Бу муваффақиятлар уларнинг активлигини ошириш ва уларнинг ўз социалистик ватани бахт-саодати йўлида фидокорона меҳнат қилишга тайёрларликларини ошириш учун янги стимул бўлди.

Г. Дамянов халқаро аҳвол масалаларига тўхталиб бундай деди: Совет Иттифоқи бошчилигида социалистик мамлакатлар ўтказиб келаётган ва бошқа бир қанча давлатлар ҳам амалга ошираётган тинчлик сиёсати ўтган йили халқаро кескинликни юмшатишга олиб келди. Бу ҳол халқаро реакцияга ёқмаётир. Халқаро реакция Венгрияда контрреволюцион исён уюштирди ва Мисрга қарши империалистик агрессияни ташкил қилди ҳамда жаҳонни янги уруш хавфи остида қолдирди. Империалистларнинг агрессив планлари социализм кучларининг, бутун дунёдаги тинчликсевар кучларнинг қудратли бирлигига ва интернационал бирдамлигига дуч келиб, барбод этилди. Тинчлик иши тантана қилди. Империалистлар ўз ҳоҳишларини халқларга буюра олган даврлар ўтиб кетган. Ҳозирги вақтда инсоният социализм кучлари ғоят юксалган, халқларнинг миллий-озодлиқ кураши мислсиз кучайган бир даврда, мустамлакачилик системаси емирилиб ҳалок бўлаётган ва империализм ўз позицияларини кун сайин қўлдан бераётган бир даврда яшамоқда. Тинчлик кучлари ўсмоқда ва тўхтовсиз мустаҳкамланмоқда.

Ҳеч шубҳа йўқки, деди Г. Дамянов, 1957 йилда тинчлик ва социализм кучлари янгидан-янги муваффақиятларга эришади, халқаро реакция эса янги мағлубиятларга учрайди. Г. Дамянов Халқ мажлиси президиуми, ҳукумат ва Болгария Коммунистик партияси Марказий комитети номидан гапириб, меҳнаткашларни янги, 1957 йилда ўз кучларини Ватан фронтида янада маҳкам жипслаштиришга ва Коммунистик партиянинг раҳбарлиги остида саноат ва қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш учун, маданият, фан ва санъатни янада яшнатиш учун, мамлакатда ноз-неъматларнинг мўл-кўллиги учун кураш олиб боришга чақирди.

Иштван Добининг янги йил муносабати билан сўзлаган нутқи

БУДАПЕШТ, 1 январь. (ТАСС). Венгрия Халқ Республикаси Президиумининг Раиси Иштван Доби янги йил арафасида Будапешт радиоси орқали бутун венгер халқига қарата нутқ сўзлади.

У ишонч билдириб айтдики, «венгерлар илгариги ҳамма қулфатлардан кейин оёққа босиб, янги ҳаёт учун кураша олганлари каби ҳозир ҳам венгер халқи бошидан кечирган ҳамма воқиалардан кейин қоматини ростлаб олади ва қаттиқ ишонч билан олга қараб дадил боради».

Иштван Доби Венгрияда социализмнинг венгер шароитига қараб қурилишига халқаро реакция халақит берди, деб уқтириб ўтди.

Ғарбнинг виждонсизлик билан ва сурбетларча олиб борган қўпорувчилик иши, деди Иштван Доби, турмушимизнинг, ички тинч ўзгаришларимизнинг яхши ривожланиб боришига путур етказди. Контрреволюция олови алангаланди. Жанглар ва забастовкалар натижасида қандай зарар кўрганимизни биз биламиз, ва бу ерда контрреволюция мағлубиятга учрагандан кейин ғарб пропагандасига учиб, ўз мамлакатини ташлаб кетган бахтсиз венгерларга ачинамиз. Ғарб пропагандаси Венгрияни ташлаб кетган кишиларга бошпана ва уй-жой беришга ваъда қилиб, уларни йўлдан урди ҳамда уларнинг мамлакатдан қочиб ва чиқиб кетишларига муваффақ бўлди. Ватанни ташлаб кетганлар орасида уларни чет элда қариндошуруғлари, дўстлари кутиб турган кишилар бор, яхши мутахассис бўлганликлари учун ишга жойлашиш имкониятига эга бўлган кишилар ҳам бор. Аммо бундай кишилар озчиликни ташкил этади. Ўн минглаб венгерларга ҳеч қандай бошпана берилмаган. Бу кишиларнинг ёстиғи, агар ёстиқлари бўлса, ҳар кеча кўз ёшидан ҳўлланади. Ҳеч ким янги ватанга эга бўлолмади, чунки биз венгерларнинг ватани шу ерда, бизнинг жаддодларимиз бу халқни бошлаб келган жойдадир. Бизнинг Ватанимиз шу ердадир, бунинг устига шундай Ватандирки, биз уни ўз онгимиз билан, ўз қўлимиз билан барпо қилмоқдамиз. Бизнинг зиммамизга катта масулият юкланган. Вайронгарчилик ва талафотлардан кейин бизни қийин, аммо ҳалол ва ажойиб меҳнат кутмоқда...

Халқаро кооператив альянс (ХКА) Осиё конференциясининг чақирилишига доир

1956 йил декабрь ойида Парижда Халқаро кооператив альянси (ХКА) Ижроия Комитетининг мажлисида 1957 йилда Куала-Лумпур шаҳрида (Малайя) Покистон, Ҳиндистон, Индонезия, Цейлон, Бирма, Малайя, Сингапур, Таиланд, Вьетнам, Гонконг, Шимолий Борнео, Саратак, Япония, Жанубий Корея, Филиппин, Папуа, Янги Гвинея ва Австралия вакилларининг иштироки билан кооператив ташкилотларининг конференциясини чақиришга қарор қилинган эди.

Осиёда кооператив ҳаракатни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш мўлжалланган бу конференция Осиё мамлакатлари кооператив ташкилотларининг ташаббуси билан чақириладиган бўлди. Табиийки, бу конференциянинг тўла аҳамияти бўлиши учун унга Осиё мамлакатларининг бу конференцияда қатнашишни истаган ҳамма кооператив ташкилотларини, улардаги сиёсий ва ижтимоий тузумнинг қандай бўлишидан қатъи назар, чақириш керак эди.

Бу масалани Парижда муҳокама қилиш вақтида Совет делегацияси ана шу позицияни ҳимоя қилиб, Осиёдаги кўпчилик мамлакатлар, шу жумладан бутун дунё экономикасида ғоят катта роль ўйнаётган Хитой Халқ Республикаси сингари мамлакат кооператив ташкилотларининг конференцияда қатнашмаслиги конференцияга Осиёда кооператив ҳаракатининг чинкам ривожланишига ёрдам берадиган қарорлар қабул қилишга имкон бермайди, деб кўрсатди.

Бироқ, ижроия комитети совет делегациясининг таклифига қўшилмади. Агар ижроия комитетининг қарори амалга ошириладиган бўлса, у ҳолда Осиё мамлакатларидаги кўпчилик кооператив ташкилотлари, шу жумладан Хитой Халқ Республикаси, Мўғулистон Халқ Республикаси, Корея Халқ-Демократик Республикаси, Сурия, Иордания, Ливан ва бошқа кўпгина мамлакатларнинг кооперативчилари мазкур конференцияда қатнашиш имкониятидан маҳрум бўладилар.

Бу хил қарор миллий миқёсда ҳам, халқаро миқёсда ҳам кооператив ташкилотлари ўртасида дўстона ва иқтисодий алоқаларни ривожлантириши лозим бўлган Альянснинг асосий мақсадларига ва вазифаларига зид қарордир.

Совет кооперативчилари аввалдагидек ҳозир ҳам, Осиёда кооператив ҳаракатининг муваффақиятли ривожланиши учун ҳамда халқаро кооператив ҳаракатининг, миллий кооператив ташкилотлари ўртасида иқтисодий ва маданий алоқаларнинг мустаҳкамланиши учун конференцияга Осиё мамлакатларининг бу конференцияда қатнашишни истаган ҳамма кооператив ташкилотларини, сиёсий ёки бошқа мотивлар бўйича ҳеч қандай чеклашларни қўллаб-масдан, таклиф этиш зарур, деб ҳисоблайдилар. (ТАСС).

АНГЛИЯДАГИ БИР ҚАНЧА КАСАБА СОЮЗЛАРНИНГ РАҲБАРЛИК ОРГАНЛАРИГА КОММУНИСТЛАР САЙЛАНДИ

ЛОНДОН, 1 январь. (ТАСС). Яқинда Англиядаги баъзи касаба союзларнинг раҳбарлик органларига сайловлар ўтказилди. Бу сайловларда Коммунистик партия муваффақият қозонди. Масалан, коммунист С. Парри Морлда кончилар миллий касаба союзи бўлимининг раиси қилиб сайланди. Коммунист Ф. Вудкок Бликстонда винокор ишчилар бирлашган касаба союзи бўлимининг секретари қилиб сайланди. Компартия аъзоларидан Данн ва Андерсон Пейслида машинасозлик корхоналари цех оқсоқолларя комитети составига сайланди. Бу комитет машинасозлар бирлашган касаба союзи составига киради.

Коммунист С. Гарднер ана шу касаба союзнинг Белфаст бўлими раиси қилиб сайланди. Коммунист Ж. Грахэм ана шу касаба союзнинг раҳбарлик вазифасига яна сайланди.

Сувайш каналини тозалаш ишлари

ҚОҲИРА, 31 декабрь. (ТАСС). БМТнинг Қоҳирадаги информацион маркази Сувайш каналини тозалаш ишларининг программаси тўғрисида матбуот учун баёнот эълон қилди. Баёнотда айтилишича, канални тозалаш бўйича БМТ томонидан Миср маъмурлари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар тўла ҳажмда авж олдирилмоқда.

Март ойининг бошларида ҳажми 10 минг тоннагача бўлган кемаларнинг каналдан ўтишини таъминлаш кўзда тутилади.

1957 йил май ойида канални чўкиб кетган кемалардан тозалаш ва фарватерни тозалаш ҳамда чуқурлаштириш ишлари тўла равишда тамомланади.

—⊙—

Эрон журналистлари Тошкентга келдилар

ТАСС нинг таклифига мувофиқ СССР да меҳмон бўлиб турган бир группа эрон журналистлари 1 январда Тошкентга келдилар. Журналистлар группасига «Тараққий» ва «Осиёи жавон» журналларининг нашири Лутфулла Тараққий бошчилик қилмоқда. Журналистлар группаси составида «Фирдовси» журналининг нашири ва редактори Неъматулла Жаҳонбанун, «Умиди Эрон» журналининг нашири ва редактори Алиакбар Сафипур, «Садои мардом» эрталабки газетасининг нашири ва редактори Муҳаммад Хусайн Фарипур, «Равшан фикр» журнали редакциясининг масъул секретари Носир Худоёр, «Эътиқоди миллий» эрталабки газетасининг масъул секретари Хамид Хошимий, «Сафид ва сиёҳ» журналининг нашири Али Бехзода, «Дод» газетаси редколлегиясининг аъзоси Мустафо Аламутий, Теҳрон университетининг пропаганда бошқармаси бошлиги Абдулфозил Мараши, «Иттилоат» кечки газетасининг мухбири Жаъфар Саидий, «Равшан фикр» журналининг ва «Хурасан» газетасининг мухбири Исмоил Рани, «Толу» газетасининг ходими Баҳром Бушеҳрипур бор.

Эрон журналистларини Ўзбекистон телеграф агентлигининг, республика газеталарининг, Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги Радиоинформация Бош бошқармасининг масъул ходимлари кутиб олдилар.

Ўзбекистон телеграф агентлигининг масъул раҳбари Р. С. Саҳибоев меҳмонларни Тошкент журналистлари номидан табриклади. Делегация бошлиги Лутфулла Тараққий жавоб нутқи сўзлаб, мен ва коллегаларим Совет Иттифоқига саёҳат қилиш ва жумладан, Ўзбекистонда бўлиш имконияти берилганлигидан хурсандмиз, деди.

Эрон журналистлари Ўзбекистонда бир неча кун бўладилар.

* * *

Эрон журналистлари Тошкентга келгандан кейин иккинчи куни, 2 январда уларни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари ва Ташқи ишлар министри Ғ. С. Султонов қабул қилди.

Дўстона вазиятда ўтган суҳбат вақтида Ғ. С. Султонов меҳмонларни Ўзбекистон ССР нинг давлат тузилиши билан, унинг экономикаси ва маданиятининг ривожланиши билан таништирди. Эрон журналистлари республика саноат ишлаб чиқариши, пахтачилик ва ирригациянинг аҳволига доир, колхозларнинг даромадлари, хўжалик ва маданий қурилишни маблағ билан таъминлашга доир, халқ маорифининг қўйилишига доир кўп саволлар бердилар. Ҳамма саволларга муфассал жавоб қайтарилди.

Делегация раҳбари Лутфулла Тараққий республиканинг ҳаёти тўғрисида олинган информация учун ташаккур изҳор қилиб, бундай деди:

Биз халқларимиз ўртасидаги муносабатлар кўпдан бери давом этиб келаётганлигини мамнуният билан таъкидлаймиз. Ўзбекистон ҳақидаги маълумотлар бизни қувонтирмоқда ва бизнинг газетхонларимизни, шубҳасиз, қизиқтиради. Янги йилда Ўзбекистоннинг янада тараққий этишини тилаймиз. (ЎзТАГ).

БАХТИЁРЛАР БОҒЧАСИ

Кенг асфальт кўча бўйлаб «Таштекстильмаш» заводи томон бурилган киши яқин атрофда болалар боғчаси борлигини дарҳол пайқайди. Чунки, бу ердан қувноқ болаларнинг бийрон тилларида айтилаётган шодлик қўшиқлари шўх кулгулар баралла эшитилиб туради. Бироз юриб чапга бурилсангиз, баланд қад кўтариб турган икки қаватли бинога кўзингиз тушади. Бу Тошкент тўқимачилик комбинатига қарашли 4-болалар боғчаси. Завқли ҳаёт қайнаётган бу ер бахтиёр эркатойлар билан гавжум.

Мана, оппоқ дастурхонлар ёйилган столлар мазали таомлар, турли нози-неъматлар билан тўлиб турибди. Кўракларига оқ салфеткалар тутиб олган болалар овқатланиш учун тўпландилар. Овқатдан сўнг улар қишнинг тоза ва соф ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олиш учун кенг ҳовлига чиқишди. Ҳовли саҳни бир пастда қувноқлар билан



Боғча болалари тушки дам олишда.



Тарбиячи А. Ф. Федоренко Олтинбойни торозуда тортмоқда.

яна гавжум бўлди. Улар ўз тарбиячилари бошчилигида тўп-тўп бўлишиб, истаган ўйинларига, қизиқарли машғулотларига бирилдилар. Улар орасида бу йил мактабга борувчи эркатойлар ҳам бор. Дилбар Латипжонова «Қиш келди», Толя Журавлев «Арча юлдузчалари» Юсуф Иброҳимов эса «Арча» шеърларини декламация қилганда ўртоқлари уларни завқланиб тинглашди. Кейин бир группа ўғил ва қиз болалар «Арча байрами» муносабати билан ўрганган ашула ва рақсларини ижро этдилар.

— Раҳмат қўзичоқларим,— деди шунда боғча мудираси ўртоқ О. Жаҳонгирова қувноқ дўндиқларни эркалаб бир-бир қучаркан,— мана энди мен ҳозир бориб, «Қорбобо»га телеграмма бераман. Сизларнинг «Арча байрами»га жуда яхши тайёрланганликларингизни айтаман.

Боғчада болалар учун ўйинчоқлар сон-саноқсиз.

Боғчада тарбиячилар маълум программалар асосида иш олиб борадилар. Улар эркатойларни ҳарфлар билан таништирадилар, ашула айтишни, рақс тушишни, декламация ўқишни, қоғоз ва юмшоқ мўмсимон моддадан ҳар хил ҳайвонлар ҳамда идиш-товоқларнинг шаклларини ясашни ўргатадилар. Боғчада Блюма Черная, Наталия Трудова, Ася Агателова ва Рая Ўрмонова каби тарбиячиларни эркатойлар жуда севадилар ва ҳурмат қиладилар. Чунки тарбиячилар эркатойларни ўз фарзандларидек кўриб, оналик меҳри билан тарбиялайдилар ва эркалайдилар.

Тўқимачилик комбинатига қарашли бўлган 5 та боғча ва 6 та ясли-нинг ҳаммасида ҳам ишчиларнинг болаларига ғамхўрлик ана шундай ташкил қилинган. Бу боғча ва ясли-ларда 1200 бола соғлом ва тетик бўлиб ўсмоқда.

Бу йил боғчаларни ремонт қилиш, янги стол, стул ва кроватлар ҳамда юмшоқ гилам ва дорожкалар сотиб олиш учун 500 минг сўмлик маблағ сарфланди. Хоналардаги буғ билан иситиш трубалари сифатли ремонтдан чиқарилди.

Ўртоқ А. Ф. Федоренко болаларни ўйнатмоқда.

В. Салов фотолари.

Бизнинг мамлакатимиздаги бахтли болаликни жонажон партиямиз, совет ҳукуматимиз яратиб берган.

М. ЗИЁМУҲАМЕДОВА.

Янги илмий-текшириш институти

Ўтган йили Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузурида ўсимликларнинг генетикаси ва физиологияси институти ташкил этилди. Янги институт пахта ва бошқа техника ўсимликларининг ўсиш биологиясини ўрганиш билан шуғулланади.

Бу институт олдида қишлоқ хўжалигига оид қатор янги илмий проблемаларни ҳал қилиш вазифаси турибди. Жумладан, ғўзага ташқи муҳит факторларининг, яъни температура, қуёш нури, сув режими ва бошқаларнинг таъсир қилишини ўрганиш лозим. Янги институт составида 7 та лаборатория ва марказий тажриба базаси ташкил этилди. Ўсимликлар генетикаси ва физиологияси институти Ўзбекистон Фанлар академиясининг илгариги қишлоқ хўжалик институти базасида вужудга келди.

Болалар учун китоблар

Ўзбекистон давлат педагогик нашриёти ўзбек мактаблари учун кўпгина бадиий адабиётлар нашр этаётир. Бу китоблар болаларни совет педагогикаси асосида тарбиялаш характерига эга бўлиб, чиройли нусхаларда босилмоқда. «Ўзбек мактаблари учун кутубхона»га мўлжалланган сериядаги китоблар қаторида С. Злобиннинг «Хушчақчақ оила», Н. Носовнинг «Чегарачилар ҳақида ҳикоялар» ва бошқа кўпгина қизиқ китоблар нашр этилаётир.

Яқин кунларда улуг ёзувчи Марк Твеннинг асарлари, Андерсеннинг қизиқ-қизиқ ҳикоялари, Бичер-Стоунинг «Том тоғанинг кулбаси» романини босиб чиқариш мўлжалланаётир.

СПОРТ

Шаҳар биринчилиги учун

Тошкентда қишки биринчилик учун городки бўйича мусобақалар бошланди. Городки Совет Иттифоқида илгаридан мавжуд бўлган спорт турларидан бири бўлиб, Ўзбекистон ССР да, айниқса, Тошкент шаҳрида кенг тарқалмоқда.

Қиш шароитида городки майдончаларида учрашувлар ўтказиш бирмунча қийинчиликлар туғдиради. Лекин шунга қарамай, қишки биринчилик учун олиб борилаётган бу мусобақалар тошкентлик спортчилар қиш шароитида ҳам бемалол мусобақалаша олишларини кўрсатаётир.

Қишки биринчилик учун ўтказилаётган мусобақаларда 6 та команда иштирок этмоқда.

Учрашувларнинг биринчи турида «Динамо» жамиятининг спортчилари «Красное знамя» командасини 3:0 ҳисоби билан ютдилар.

Қишлоқ шахматчиларининг мусобақалари

Тошкент область қишлоқ спортчилари «Пахтакор» кўнгилли спорт жамияти область Совети биринчилиги учун қизғин кураш олиб бормоқдалар. Мусобақаларда область районларидан 12 команда, Тошкент шаҳридан бир команда қатнашаётир.

Ўйиннинг иккинчи тур, биринчи группасида Қорасув, Паркент районларининг қишлоқ шахматчилари Ўрта Чирчиқ ва Чиноз район спортчилари билан бўлган учрашувларда ғолиб чиқдилар. Тошкент шаҳрининг энг кучли командаси Октябрь район вакиллари билан бўлган учрашувда ўйинни 1,5:1,5 ҳисоби билан дуранг қилишга мажбур бўлди.

Шундай қилиб, шахмат мусобақаларининг иккинчи тур, биринчи группасидан сўнг Қорасув район командаси 5 очко, Тошкент шаҳар шахматчилари 3,5 очко ва Паркент район спортчилари 4 очко олишга муваффақ бўлдилар.

Шахмат турнири қатнашчиларининг кўпчилиги 1-разрядли спортчилар бўлганлиги учун учрашувлар кескин тус олмоқда. Улар орасида қишлоқ интеллигенциясининг вакилларидан Умаров (Чиноз), Логинов (Тошкент), А. Букин (Оржоникидзе), В. Кан (Қорасув) ва бошқа ўртоқлар бор.

Тошкент область спортчилари турнирининг иккинчи группасида учрашувлар кескин кураш вазиятида ўтди. Иккинчи группанинг биринчи ва иккинчи турларида Оржоникидзе район командаси Бўка район спортчилари устидан, Янгийўл ва Бўка районларининг қишлоқ спортчилари Ўртасарой ва Гулистон район вакиллари устидан ғолиб чиқдилар.

Тошкент область қишлоқ спортчиларининг мусобақаларида ғолиб чиққан, шунингдек энг яхши кўрсаткичларга эга бўлган шахматчилар Тошкент область «Пахтакор» кўнгилли спорт жамиятининг терма командаси составига киритилади. Бу терма команда шу йил январь ойида ўтказиладиган «Пахтакор» спорт жамиятининг республика мусобақаларида иштирок этади.

С. ЮТЛАНДОВ.

КЕКСА ПОЧТАЛЬОН

Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги 3-почта алоқа бўлимининг почтальони Одил Хонхўжаевни ҳамма ҳурмат қилади. Одил ака 50 ёшда. У, почта алоқа бўлимида 25 йилдан бери мунтазам ишлаб келмоқда. Одил ака районнинг Олмазор, Ўзбекистон, Каганович ва Қизил Юлдуз каби кўчаларида яшовчи миндан ортиқ аҳолига хизмат қилади. Одил ака кундалик газета ва журналларни эгаларига ўз вақтида етказиб беради.

У ўз ишини садоқат билан бажараётганлиги, участкалардаги меҳнаткашларга намунали маданий хизмат қилаётганлиги учун алоқа бўлими томонидан бир неча марта пул мукофоти ва икки марта Фахрий ёрлиқ билан тақдирланди.

Р. ОТАБЕКОВ,
М. АСҚАРОВ.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 3/I да кундуз Оғриқ тишлар, кечқурун Гамлет, 4/I да Холисхон.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА— 3/I да кундуз Оққуш қўли, кечқурун Севилья сартароши, 4/I да кундуз Қизил гул (Аленький цветочек), кечқурун Тоҳир ва Зуҳра.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА— 3/I да кундуз Муқимий, кечқурун Зафар, 4/I да кундуз Сингиллар қиссаси, кечқурун Азиз ва Санам.

ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ ЁШ ТОМОШАБИНЛАР ТЕАТРИДА — 3/I эрталаб соат 11 ва кундуз 4 да Ҳаёт саҳифалари, 4/I кундуз соат 3 да Абдулла Набиев, кечқурун соат 8 да Ҳаёт саҳифалари.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 5, 6, 7, 8 9/I да Концертлар.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Николай Жеребцов гастроллари — «Куч аттракциони». Томоша кеч соат 8 да бошланади.

10/I гача кундуз соат 1 ва 4 да Янги йил арчаси.

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун Артёмкаининг саргузашти.

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кундуз Ун икки ой, кечқурун Артёмкаининг саргузашти.

2-Урицкий кўчаси, 1-переулок, 12-уйда турувчи Раҳбар Ҳакимовнинг шу уйда турувчи Боқижон Ҳакимович Еқубовдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район, 3-участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 39040. Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р 20602. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № А — 1710.